




“...Чойхоначи бизга патнисда
иккита иссиқ нон билан чой
келтирди. Ёдгор нонни ушатар экан,
сўради:
– Убайдулложон! Бу қандай
китоб?
– “Ўткан кунлар”.
– Чи?
– “Ўткан кунлар”. Абдулла
Қодирий Жулкунбойнинг романи.
– Ҳикоями?
– Ҳа. Зўр ҳикоя.
Сухбатдан маълум бўлдики,
Ёдгор бу китобни ўқимаган...”



(7-саҳифада ўқинг).

ТААССУРОТ



НАТИЖАЛАРГА ҚАТЪИЙ ИШОНАМИЗ

Ўзбекистоннинг олиб бораётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсати натижасида мамлакат бугун дунё давлатлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтиришга қаратилган йирик анжуманлар ва форумларга мезбонлик қилмоқда. Қадимий Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё – Европа Иттифоқи биринчи расмий саммити, Халқаро иқлим форуми, Тошкент шаҳридаги Парламентлараро иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси бунга яққол мисолдир.

Минтақа давлатларига бир вақтлар учинчи давлат сифатида қарашар эди, бугун эса Марказий Осиё Европа Иттифоқининг муносиб ҳамкори саналади. Шиддат билан ривожланаётган минтақа давлатлари ўз тараққиёти учун ўзи сармоя киритди. Ўзбекистон мисолида айтиладиган бўлсам, мамлакат ўта муҳим соҳаларга, хусусан, иқлим муҳофазаси, “яшил” ва барқарор ривожланишга, бунинг учун замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда ёшларнинг сифатли таълим олиши, жамиятда ўз ўрнини топиши ва муносиб иш ўринларини эгаллашига катта эътибор қаратмоқда.

Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи раҳбариятининг олий даражадаги учрашуви ўзаро ҳамкорлик йўлида янада бirlaшишга қаратилган тарихий аҳамиятга эга дунё миқёсидаги йирик анжуман бўлди. Минтақа давлатларининг ўзаро ҳамжиҳатликда ва биргаликда ривожланиш йўлидан бораётгани уларни янада кучлироқ қилади. Биз европаликлар бундай ишончли шериклар билан бутунлай янги иқтисодий истиқболлар бўйича ҳамкорлик қиламиз ва бу орқали бир-биримиздан ўрганамиз.

(Давоми 2-саҳифада).

ЖАРАЁН

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА ТАРИХ – ЯНГИЧА ТАЛҚИН



Бугун замон шиддат билан ривожланмоқда, ўзгаришлар кўлами кенг, янгилликлар оқими долғали. Ҳозирда сунъий интеллект аср мўъжизаси сифатида намоён бўлиб, инсониятни қайта-қайта ҳайратга соляпти. У кириб бормаган соҳа, татбиқ қилинмаётган йўналишнинг ўзи йўқ ҳисоби.

Ривожланган мамлакатларда сунъий интеллект имкониятлари жорий этилган юзлаб турли хил хизматлар пайдо бўлмоқда.

“Next Move Strategy Consulting” компаниясининг башоратига кўра, 2030 йилга бориб глобал сунъий интеллект бозори сармояси 1,8 триллион долларга етади. Юртимизда ҳам бу борада изланишлар аллақачон бошланган, режа ва мақсадлар аниқлаб олинган. 2024 йил 14 октябрь санасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш стратегиясини 2024–2026 йилларда амалга ошириш бўйича чоратadbирлар режаси тасдиқланиб, соҳани 2030 йилга қадар ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгилаб олинган.

Аҳамиятлиси шундаки, ҳозирда ижтимоий тармоқларда сунъий интеллектнинг турли хил дастурлари орқали ўзбек кадрияти, маданияти, тарихини тиклаш, жонлантиришга қаратилган кўплаб миллий контентлар пайдо бўлмоқда.

Албатта, янгилекнинг кириб келгани, омалашаётган

ни ва кенг ёйилаётгани яхши. Бироқ ахборот асрининг ўзгarmас бир ҳақиқати ҳам бор. Бу майдонда доимий изланиш, аниқ, таҳлилий, ҳақиқатга асосланган маълумотларни кўпайтириш билан турли хуржларга қарши туриш мумкин. Бугун сунъий интеллект орқали ўтмиш, қадрият, буюк шахсларнинг қиёфаси, тарихий фактлар бузиб кўрсатилаётган ҳолатлар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Буларнинг олдини олиш учун шу соҳага чуқурроқ кириб бориш, ҳаққоний маълумотлар базасини мустаҳкамлаб, сифати ва сонини кўпайтириш лозим.

Шу боис Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан зиёлилар: олимлар, ёзувчилар, тарихчилар иштирокида янги лойиҳа йўлга қўйилди.

Лойиҳадан қўзланган асосий мақсад сунъий интеллект имкониятидан тўғри фойдаланиб, буюк тарихий аждодларимиз, уларнинг бой илмий, тарбиявий меросини олимлар фикрига таянган ҳолда жонлантириш, анимацион ролик, қисқа метражли фильм, турли хил мусиқалар яратишдир.

Шу мақсадда Республика Маънавият ва маърифат маркази, Халқаро Амир Темур жамоат фонди ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда

тарихчи олимлар, манбашунослар, тадқиқотчилар жалб қилинган ҳолда сунъий идрок ёрдамида тарихий шахсларнинг образини яратиш устида ишланмоқда. Лойиҳанинг дастлабки босқичида буюк саркарда Амир Темур бобомизнинг қиёфаси жонлантирилди. Тайёрланган медиамаҳсулот билан таълим профессор, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али шундай фикрларни билдирди:

– Амир Темур ҳайкали ижодкори Илҳом Жабборов билан жуда кўп суҳбатда бўлганман. Уста ҳайкални жуда жўяли, аниқ келтирилган чизгилар асосида бунёд қилган. Бир хил, яъни ягона мақбул қиёфада тўхталишимиз керак! Масалан, Пётр Биринчи деса, фақат битта сиймо кўз олдимизда гавдаланади. Ё бўлмаса Наполеон Бонапарт, хаттоки Цезарь деганда ҳам барча фақат бир хил қиёфани эслайди. Ваҳоланки, у милoddан аввалги асрларда яшаб ўтган. Амир Темур деганда бутун дунё кўз ўнгиде ҳар хил эмас, балки битта сиймо гавдаланиши керак!

Албатта, сунъий интеллект ёрдамида ўтмишни, тарихий шахсларимизни ёш авлод кўз ўнгиде гавдалантириш масъулиятли ва гоят мураккаб вазифа.

(Давоми 2-саҳифада).

ГУРУНГ



АДАБ ЁТЛАРДАН АДАБИЁТ ҚУТҚАРАДИ

Суҳбатдошимиз – Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор Жаббор ЭШОНҚУЛ

– Жаббор ака, Сизни фольклоршунос олим, моҳир таржимон сифатида биламиз. Соҳада юзлаб илмий мақолалар муаллифисиз. Бу рақам таъзамирида ётган меҳнатни биз билан баҳам кўрсангиз. Бугунги шиддатли замонда адабиёт ва санъатнинг аҳамияти ҳақида фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

– Адабиётга, сўзга эҳтиёж қадим даврлардан бугунги кунга қадар зинҳор сўсаймаган. Инсоният тарихини она тили тараққиёти, бадий сўз санъати тарихи, дейишимиз мумкин. Ҳали ёзув кашф қилинмасдан олдин аждодларимиз ўзининг шонли ўтмиши, маданияти, қадим тушунча-тасаввурларини сўзга боқий муҳрлаб, олдинига оғзаки тарзда мерос қолдирган. “Алпомиш”, “Гўрўгли” дostonлари

авлодларга мана шундай жонли ижро ҳолида етиб келган. Ҳозиргача ҳам шу анъаналар оғзаки тарзда ўзлаштирилиб, оғиздан оғизга кўчиб, неча асрлардан буён ўз ҳолича асраб-авайлаб келиняпти.

Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий яшаган даврда тил ва адабиётга эҳтиёж қандай юқори бўлган бўлса, Навоий замонида ҳам “авждан куйи энмаган”. Алломаларимиз ибн Сино, Форобий болалиқдан адабиётга ошно тутинган. Адабиёт аждодларимиз онгиде эврилишларга, оламшумул кашфиётларга йўл очган. Улар қолдирган мерос нафақат биз учун, балки бутун инсоният учун маънавий хазина ҳисобланади.

(Давоми 4-саҳифада).

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

БЕҲБУДИЙ ВА ЖУҒРОФИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йилда “Туркистон жадишлик ҳаракати асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори маърифатпарвар бобомиз меросини ҳар томонлама ўрганиш учун муҳим асос вазифасини ўтайди.

Ўз замонасининг илғор фикрли вакили сифатида Беҳбудий нафақат мамлакат ёки минтақа, балки дунё миқёсида фикрлай олган, сайёрамизда юз бераётган ижобий ўзгаришлардан мамлакат тараққиёти йўлида самарали фойдаланиш имкониятларини кўра олган. Шарқшунос олим Лазиз Азиззода 1926 йилда Беҳбудий тўғрисида: “Агар Ўзбекистон фани ва маданиятида Навоий ва Улугбекдан кейин турувчи учинчи

шахсни абадийлаштириш лозим бўлса, шубҳасиз, бу Маҳмудхўжа Беҳбудийдир”, деб ёзган эди.

Беҳбудий қатор дунё мамлакатларини кезиб чиққан сайёҳ, ўз кузатишлари натижасида янги услуб мактаблари учун география фанидан муҳим дарсликларни биринчи бўлиб яратган олимдир.

(Давоми 6-саҳифада).

ИЛМ ЙЎЛИ

ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ ЗАРУРАТИ

Умида ТИЛЛАБОЕВА – меҳнат ресурсларини бошқариш ва иқтисодий тадқиқотлар соҳасидаги замонавий ёндашувларни илгари сураётган ёш олималардан бири. У аини пайтда Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида аспирант ва ўқитувчи. Меҳнат бозоридаги муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантиришга оид янги стратегиялар устида иш олиб бормоқда. У билан меҳнат ресурсларини бошқаришда анъанавий моделларни қайта кўриб чиқиш ва кимё саноатидаги имкониятлар ҳақида суҳбатлашдик.



– Умида, суҳбатимиз аввалида ўзингиз ва илмий тадқиқотларингиз ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

– Аини дамда “Инновацион иқтисодиётда меҳнат салоҳиятини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш механизми” (Ўзбекистон кимё саноати мисолида) мавзусида илмий тадқиқот олиб боряпман. Асосий эътиборим кимё

саноатида кадрлар бошқарувига инновацион ёндашув жорий қилиш борасида тизимли механизмни такомиллаштириш, инсон капитали ривожини, мотивацион таълим муҳитини яратиш ва тез ўзгаришчан иқтисодий шароитга мос рағбатлантириш моделларини шакллантиришдан иборат.

(Давоми 3-саҳифада).



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА ТАРИХ – ЯНГИЧА ТАЛҚИН

Бошланиши 1-саҳифада.

– Мақсадимиз тарихимизни, буюк аждодларимиз сиймосини асосли манбаларга таяниб, ҳаққоний акс эттириш, – дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Хасанов. – Негаки, бу қиёфаларни ўзимиз тўғри талқинда гавдалантирмасак, сунъий идрок уни ўзи истаганча, ўзи билганча руҳсиз талқинда дунёга тақдим этади. Мисол учун, сунъий идрокка Амир Темурни тасвирлаб бер десангиз, у сизга турли хил қиёфали “соҳибқирон”ни кўрсатади. Бугун мана шу долзарб масала ўз ечимини кутяпти. 50–100 йилдан кейинги авлод тарихни китоблардан қидирмаслиги мумкин. Уларнинг билими, дунёқараш меди таассурот асосида шаклланади. Демаки, мутахассисларимиз келажакни ҳам кўзлаб, саволга ўрин қолмайдиган даражада тарихий қиёфаларни жонлантириб беришлари керак.

Ижодий жараёни кузатар эканмиз, тарихчи олимлар ва медиа мутахассислар қизғин мунозара ҳамда баҳсларда изланиш олиб бораётганига гувоҳ бўлдик. Лойиҳа доирасида Темур бобомизнинг шахси, қиёфаси, юз тузилиши, кўз қараш, либослари, хатти-ҳаракатлари, овози ҳамда табиатидаги ўзига хосликнинг тўлақонли ифодаси сунъий интеллектнинг маълумотлар базасига жойлаб бориляпти.

Лойиҳа устида ишлаётган соҳа мутахассиси Давлат Ҳамроқулов-

нинг таъкидлашича, манбаларда келтирилган маълумотлар ва бизга таниш бўлган суратлар асосида изчил изланишлар олиб борилди:

– Тарихий сиймонинг образини шакллантиришнинг ўзига яраша қийинчилиги ва масъулияти бор, албатта. Бу ерда заргарона нигоҳ ва меъёр керак. Узоқ изланишлар самараси ўлароқ, буюк бобомизнинг қиёфаси манбалардагига ўхшади, деган тўхтамга келинди. Шундан сўнг сунъий интеллектдан тасдиқ хати келди. Биз яратган сурат унга маъқул келгани ва ушбу медиа маҳсулотни тавсиявий иловаларга жойлаштириш учун розилик беришимизни сўради.

Отабек Хасановнинг айтишича, Соҳибқироннинг 690 йиллик юбилейига, яъни бир йил муддатда Амир Темур ҳақидаги барча маълумотлар ижтимоий тармоқларга жойланади:

– Биз нимани хоҳлаяпмиз? Амир Темур ҳақида қидирув тугмаси босилганда биринчи бўлиб, асосланган ва тўғри талқиндаги илмий тасдиқини толган сиймо қиёфаси фойдаланувчига тақдим этилишини мақсад қилганмиз. Бу натижага эришиш учун биз бор техник имкониятларимизни ишга соламыз, олимларимиздан эса билим, фидойилик ва ватанпарварлик тақозо этилади.

Баҳора АҲМЕДОВА,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази Ахборот
хизмати раҳбари

МУНОСАБАТ

ДУНЁ ПАРЛАМЕНТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Дунё ҳамжамияти илк бор Ўзбекистонда ўтказилган Парламентларо Иттифоқнинг 150-Ассамблеясини катта қизиқиш билан кузатиб борди. Юртимизга ташриф буюрган сиёсатчи-меҳмонлар ушбу нуфузли анжуман орқали жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистоннинг халқаро сиёсий марказлардан бири сифатида эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлашди.



– Ўзбекистон минтақада биринчилардан бўлиб ушбу анжуманга меъдонлик қилгани ва унинг муваффақиятли ўтаётгани эътирофга молик, – дейди Парламентларо Иттифоқ Президенти Тулия Эксон хоним. – Шу ўринда, юртингизда амалга оширилаётган ислохотлар натижаси самара бераётганини ҳам тилга олишимиз керак. Давлат раҳбари томонидан олиб борилаётган барқарор, конструктив ҳамда прагматик ташқи сиёсат минтақа тараққиётига ҳам хизмат қилаётганини таъкидлашим лозим. Анжуман доирасида муҳокама қилинган масалалар муҳим аҳамиятга эга. Билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар халқаро ҳамжамиятининг барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда

жуда муҳим. Ижтимоий адолатни таъминлаш ва демократик қадриятларни олдинга суришда бу каби мулоқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг Парламентларо Иттифоққа аъзолиги 2017 йилда, яъни Ўзбекистон ўз тараққиётида янги босқичга ўтган вақтда, изчил ислохотларни дадил бошлаган пайтда қайта тикланди.

Ассамблея доирасида белгиланган тадбирларда сўзга чиққанлар Тошкент – парламент дипломатиясининг пойтахтига айланганини эътироф этиб, бу йигилиш глобал ҳамжамият дуч келаётган муаммолар, зиддиятлар ва низоларни мулоқот орқали ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатувчи намунага айланишига ишонч билдиришди.

Литва парламенти аъзоси, делегация раҳбари Рута Милуте юртимизга илк бор ташриф буюрганини таъкидларкан, тадбирнинг аҳамияти хусусида шундай мулоҳазалар билдирди:



– Ҳозир дунё жуда тез ўзгармоқда. Геосиёсий зиддиятлар кўпаймоқда. Бундай вазиятда бутун дунёдан парламент аъзоларининг бир жойда тўпланиш, муаммоларни енгиш, инсон ҳаётини яхшилаш ва тинчликка қандай эришиш

ҳақида муҳокама юритиши жуда муҳим. Парламент аъзоларида бундай учрашувлар жуда кам бўлади. Шу боис, биз Ўзбекистонда бу муҳим тадбир, яъни Парламентларо Иттифоқнинг 150-Ассамблеяси ўтказилаётганидан жуда мамнунмиз. Самарали муҳокама, тинчлик ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга ёрдам берадиган қарорлар қабул қилинмоқда. Бу эса халқларимиз фаровонлиги йўлидаги жуда долзарб масаладир.

Ёш парламент аъзолари форумида халқаро ҳамкорлик ва барқарор ривожланиш масалалари кўриб чиқилди. Ушбу муҳим анжуманда ёш сиёсатчиларнинг глобал миқёсдаги фаоллигини ошириш, парламентларо ҳамкорлигини ривожлантириш ва барқарор тараққиётга таҳдид солувчи омилларга барҳам бериш масалаларига эътибор қаратилди. Парламентларнинг инкирози худудларда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш бора-бора ўрни, халқаро ҳамкорлик самарадорлиги ва янги ташаббуслари муҳокама қилинди. Форумда ёш парламент аъзолари бюросининг янги президенти этиб иорданияли Ноур Абу Гхуш сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқи халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилди. Президентимиз ўз нутқида барқарорлиқни таъминлашда муҳим аҳамият касб этган масалаларга алоҳида тўхталиб ўтаркан, уларнинг самарали ечимлари бу – ҳамкорлик, ўзаро мулоқот, тажриба алмашиш, дипломатияни кучайтириш эканини таъкидлади.

Нуфузли мамлакатлар вакиллари Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган демократик ислохотларни юқори баҳолаб, сўнгги йилларда Ўзбекистон ўз



Шухрат ШАРАФИДДИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари
ўринбосари

тараққиётининг янги босқичига қатъий қадам қўйгани, мамлакатда барча соҳаларда бўлаётган ўзгаришлар ва янгиланишлар дунё ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини таъкидлашди.

Парламентларо Иттифоқ (ПИ)нинг 150-юбилей ассамблеяси доирасида Озарбайжон парламенти томонидан Қўшилмаслик ҳаракати парламент тармоғининг 4-конференцияси ўтказилди. Унда Озарбайжон Республикаси Миллий Межлиси Раиси Саҳиба Гафарова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Парламентларо Иттифоқ Президенти Тулия Эксон, ПИ Бош котиби Мартин Чунгонг ҳамда Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо бошқа давлатлар парламентлари вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон ушбу ҳаракатнинг фаол иштирокчиси сифатида ташқи сиёсатда куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, давлатларнинг худудий яхлитлиги, бошқа давлатларнинг ички ишларига ара-лашмаслик каби устувор тамойилларни илгари сурди. Конференция якуни бўйича Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Мазкур нуфузли тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Парламентларо иттифоқ раиси Тулия Эксон ва бош котиби Мартин Чунгонгдан иборат делегацияни қабул қилди. Президентимиз фармони билан Парламентларо иттифоқ бош котиби Мартин Чунгонг “Дустлик” ордени билан тақдирланди.

ТАФСИЛОТ

АСРГА ТАТИГУЛИК УЧ КУН

Мен ҳамиша Самарқандга катта иштиёқ ва чўнг бир севги билан бораман. Бу қадимий кентни бекорга “она ер мўъжизаси” ёки “сайқали рўйи замин” дейишмайди. Шаҳар меъморий ёдгорликлари кишини ҳайратга солади, сирли мозийга қайтаради.

Саммитни очиб берган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг оламшумул маърузасини ҳар бир иштирокчи алоҳида қизиқиш ва юксак эътиром билан тинглади. У ўз нутқида йиғилганлар эътиборини энг долзарб масалаларга қаратди, ўтган йили ўртача глобал ҳарорат Цельсий бўйича бир ярим даражадан кўпроққа кўтарилганини, бу эса меъёрдан сезиларли даражада юқори эканлигини таъкидлаб, сўнгги ўн йиллик об-ҳаво мониторинги бўйича инсоният тарихидаги энг иссиқ ҳаво бўлганини куйиниб гапирди.

– Иқлим инқирозининг салбий оқибатларини – ўрмон ёнғинлари ва чўлланиш кўламининг кучаяётгани, музликларнинг қисқараётгани, сув ресурслари тақчиллиги кучайиб бораётгани ва ҳаво сифати ёмонлашаётганини ҳозир барчамиз ҳис қиляпмиз, – деди Президент Шавкат Мирзиёев жаноблари.

“Самарқанд–2025” Халқаро саммити доирасида ўтган алоҳида сессияларда ҳам иқлим билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама қилинди. Айниқса, “Шаҳар барқарорлиги ва иқлим муаммолари: кенг кўламли режалаштириш ва бошқарув”, “Марказий Осиёда иқлим ўзгариши контекстида сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш”, “Марказий Осиё уч карра глобал инқирозга юз тутмоқда”, “Яшил иқтисодиёт ва барқарор ривожланиш йўллари” мавзулари атрофида муҳокама қилинган сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, осмонўпар тоғларимиздаги музликлар ичимлик суви манбаи

бўлиб, Марказий Осиё дарёлари йиллик оқимининг қарийб 60 фоизини таъминлайди. Бироқ эллик йил ичида Тожикистондаги тоғ музликларининг ўттиз фоиздан ортиғи йўқолган ва прогнозларга кўра, бу кўрсаткич аср охирига бориб 60 фоизга етиши мумкин. Бу эса жиддий хавотирларни келтириб чиқаради.

Сессияда иштирокчилар иқлим ўзгаришининг экотизимларга таъсирини юмшатиш бўйича стратегиялар, йўқолиб бораётган яшаш жойларини муҳофаза қилиш сиёсати, ҳаво, сув ва тупроқ ифлосланишининг экотизимларга салбий таъсирининг олдини олиш, табиий ресурсларни барқарор бошқариш, кўрикланадиган худудларни яратишда минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, халқаро шартномалар, денгиз қургочлиги билан боғлиқ масалалар ва бошқа муаммоларни муҳокама қилдилар. Марказий Осиё иқлим ўзгариши, ифлосланиш ва биологик хилма-хиллиқни йўқотиш хавфи остида бўлган ноёб экотизимлар худуди эканлиги қайта-қайта таъкидланди.

Бугунги кунда сув таъминоти учун зарур бўлган музликларнинг қамқайиш қишлоқ ҳўжалиги ва электр энергияси ишлаб чиқаришга таҳдид солмоқда. Халқаро ва минтақавий ташаббуслар, жумладан, Самарқанддаги СМС СОП-14 ва СИТЕС СОП-20, Душанбедаги Музликлар саммити, Ашхободаги Иқлим конференцияси Марказий Осиёнинг экологик муаммолари кучайиб бораётгани, миллий ва халқаро даражада мувофиқлаштирилган жавоб чораларини кўриш фурсати етганини кўрсатди.

Самарқанд иқлим конференцияси иштирокчилари фикрига кўра, сайёрамизнинг уч ўлчовли инқирозини ҳал этишнинг асосий стратегияси трансгравий муҳофаза қилинадиган худудлар ва табиати асраш бўйича минтақавий дастурларни яратишдан иборат.



Ҳанифа СОЙЛУ,
Социал-демократлар
партиясининг
Ҳамбург шаҳри
парламенти
депутатлигига
номзод,
ҳуқуқшунос



Тимо УЛЬРИХС,
Берлин “Аккоп”
гуманитар
фанлар институти
вице-президенти,
тиббиёт фанлари
доктори, профессор

НАТИЖАЛАРГА ҚАТЪИЙ ИШОНАМИЗ

Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистоннинг олиб бораётган ёшлар сиёсатини алоҳида таъкидлаган бўлар эдим. Мамлакат ёшларни қўллаб-қувватлаётгани, нафақат мамлакат ичида, хатто хорижда таълим олаётган, меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган ўзбекистонлик ёшларни ҳам бирлаштириб, уларнинг доирасида, фикр ва ташаббусларини ўрганиб, кенг имконият яратаётгани таҳсинга сазовордир. Яқинда Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида бўлиб ўтган биринчи “Ватандошлар минтақавий форуми”да иштирок этдим ва давлатнинг ёшларга қаратаётган эътиборига гувоҳ бўлдим.

Иқлимни муҳофаза қилиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ва Ўзбекистон бу борада катта ишларни амалга ошираётганидан хабардорман. Ҳукуматингиз томонидан қуёш, шамол энергияси каби қайта ишланадиган манбаларни ривожлантириш бўйича улкан мақсадлар қўйилгани ва йирик лойиҳаларнинг амалга оширилаётганини эътироф этаман.

Мамлакатда пахта етиштириш ҳам иқлим муҳофазаси мақсадида қаматирилгани, кўкаламзорлаштириш ишларининг авж олдирилгани қувонарли ҳол. Бу масалалар электр токи, табиий газ нархлари ўсиб бораётган бир пайтда Европа учун ҳам жуда долзарбдир. Қайта тикланадиган энергетика турлари бўйича фаол бўлган янги шериклар билан ҳамкорликда ишлаш биз учун муҳим. Келажак учун атроф-муҳитга зарар келтирмайдиган ижтимоий экологик иқтисодиёт яратиш йўлида кучларимизни биргаликда сафарбар қилсак, муайян натижаларга эришишимизга қатъий ишонамиз.

– Айни пайтда жаҳон майдонида ҳукм сураётган сиёсий ҳолатни инобатга оладиган бўлсак, икки йирик минтақанинг ҳамкорликдаги сайё-ҳаракатлари оламшумул аҳамият касб этади. Бу ҳар икки томонга ҳам долзарб масалалар бўйича бевосита мулоқот олиб бориш ҳамда ҳамкорлик истиқболларини мустақил белгилаш имконини беради.

Буларнинг барчаси давлатлар ҳамжамияти даражасида муҳокама қилиниши лозим бўлган ва мазмунан келишиб олишни талаб этадиган глобал масалалардир. Билдирилган ташаббусларда Ўзбекистоннинг етакчилик роли биз, яъни соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасидаги фаол экспертларни қувонтирди. Чунки бу бизга Ўзбекистон-Германия муносабатларини янада ривожлантириш, масалан, иқлим ўзгаришининг инсон саломатлигига таъсирига оид муҳим мавзуларни илгари суриш, биргаликда уларнинг ечимини излашга ўз ҳиссамизни қўйиш имкониятини беради.

Иқлим ўзгаришининг аҳолига кўрсатаётган таъсирини кузатаймиз. Бу глобал муаммоларни ҳал этиш учун ўзаро тўғридан-тўғри бевосита мулоқот қилишимиз лозим. Бунинг учун давлатларимиз томонидан сиёсий жиҳатдан шарт-шароитларнинг яратилиши, доимий форумларнинг ташкил этилиши ҳамкорлигимизни янада жадаллаштиради. Бу эса эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқишида бизга қанот бўлади.

Самарқанд учрашувларининг яна бир аҳамиятли жиҳатини таъкидлашни истардим, яъни “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” биринчи саммитида, Самарқанд Халқаро иқлим форумида ҳам барча соҳаларда икки томонлама эмас, балки кўп томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришга асосий урғу берилди. Шу нуктаи назардан ҳам, бу олий даражадаги учрашувларнинг биз учун аҳамияти катта, бундай сиёсий келишувлар глобал муаммолар ва уларнинг ечими устида биргаликда изланиш учун кенг шароит ва имкониятлар яратади.

Биологик хилма-хиллиқни сақлаш, ифлосланиш даражасини пасайтириш ва иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича ҳамкорлиқни кучайтириш экотизимларнинг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлайди, тиричилик воситаларини ҳимоя қилади ва иқтисодий барқарорлиқни оширади.

Қўҳна Самарқандда уч кун давом этган халқаро саммит аҳли дунё эътиборини ўзига тортиди, десам, муболага бўлмайди. “ИТАР-ТАСС” ва “РИА-Новости” (Россия), “Фарсньюс” (Эрон Ислом Республикаси), “Курсив” ва “Казинформ” (Қозоғистон), “Жумхурия” газетаси (Тожикистон), ТРТ телеканали (Туркия), BBC (Буюк Британия) ва бир қатор энг нуфузли ахборот агентликлари муҳбирлари жараёни мунтазам ёритиб бордилар.

Бундан ташқари, журналистлар учун алоҳида матбуот анжуманлари ташкил этилиб, саммитга дохил барча маълумотлар тўлалигича тақдим этилди.

Мирасрор АҲРОРОВ,
Тожикистон Республикаси
“Жумхурия” газетаси
муҳбири



ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ ЗАРУРАТИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Тадқиқотимда меҳнат ресурслари-ни бошқаришга доир энг замонавий стратегиялар таҳлили, инсон ресурсларига нисбатан гуманистик ёндашув муҳим ўрин тутди. Негаки, глобаллашув ва кескин рақобат шароитида айнан шу ёндашув рақобатбардош корхоналарнинг шаклланишига ва ҳар бир ходимнинг ўз қадрини ҳис қилишига имкон беради.

Бу борада Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ва “Ўзкимёсаноат” АЖнинг халқаро дастурларида қатнашганим хорижий тажрибани ўрганиш ва уни миллий амалиётга мослаштиришга ёрдам берди. Меҳнат ресурсларини бошқаришда янги стандартларни шакллантириш ҳамда стратегик, тактик ва оператив механизмларни ягона бошқарув тизимига интеграция қилиш тадқиқотимнинг асосий мақсадларидан биридир.

– Демак, тадқиқотларингиз меҳнат салоҳиятини инновацион босқичга олиб чиқишга йўналтирилган. Бу сиз учун қанчалик муҳим?

– Жуда муҳим. Чунки замонавий иқтисодиётда инновациялар ўсишнинг асосий омили ҳисобланади. Бироқ меҳнат ресурслари самарали бошқарилмаса, энг илгор технологиялар ҳам амалиётда самара бермай, фақат ғоялар даражасида қолиб кетаверади. Айнан шунинг учун ҳам инсон ресурсларини мослаштириш, иш унумдорлигини ошириш ва уларни иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш борасида изланишлар олиб бораман. Бу стратегик аҳамиятга эга тармоқлар кимё саноати учун айниқса аҳамиятли.

– Нега айнан кимё саноати учун?

– Чунки кимё саноати нафақат мустақил тармоқ сифатида, балки бошқа кўплаб саноат соҳалари учун ҳам асосий хомашё ва технологиялар манбаи саналади. У саноатлашув жараёнини тезлаштиради, экспорт салоҳиятини оширади, янги иш ўринлари яратилишига сабаб бўлади ва энг муҳими, илм-фан ривожига туртки беради.

Кимё саноати ЯИМга қўшаётган ҳиссаси орқали мамлакат иқтисодий ўсишида муҳим роль ўйнайди. Ушбу соҳа доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳам ички, ҳам ташқи бозорда талабгир.

Бундан ташқари, кимё саноати бошқа тармоқларга асос, яъни, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, енгил саноат, қурилиш, нефть-газ, озиқ-овқат ва бошқа минглаб тармоқлар учун муҳим хомашё манбаи. У ҳамиша инновация ва илмий тадқиқотлар билан чамбарчас bogʻлиқ бўлиб келган. Кимё фанининг илмий кашфиёт-

лаш, биодеградация технологиялари ёрдамида экологик барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Ҳозир бу йўналиш юртимизда энг тез ривожланаётган соҳалардан бири бўлиб, уни модернизация қилиш ва янги технологияларни жорий этиш учун улкан имкониятлар бор. Бироқ соҳада кадрлар бошқарувида қатор тақчиллик ҳамда малакали мутахассислар етишмаслиги кузатилади. Бу аҳволда барқарор ўсиш ҳақида фақат орзу қилиш мумкин. Шунинг учун меҳнат ресурсларини такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади ва мен буни тадқиқотимнинг асосий мақсади сифатида белгилаб олганман.

– Кимё саноатини самарали бошқариш нима учун бу даражада муҳим? Назаримизда, бу соҳадаги ишлар бир маромда кетаётгандек...

– Бу соҳа хавф даражаси юқори ва мураккаб технологияларга асосланган. Қолаверса, кўп сармоя талаб этадиган соҳа. Таваккал қўйилган биргина қадам ёки бошқарувдаги кичик бир хато улкан вайронагарчиликларга ёҳуд мислсиз зарарларга олиб келиши мумкин. Унинг самарали бошқаруви хавфсизлик, инсон саломамлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун ҳам шарт.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш жараёнларида қатъий назорат, маҳсулот сифатини таъминлаш ва халқаро стандартларга мослашиш экспорт имкониятларини кенгайтиради. Инвесторлар ана шундай тизимлашган соҳаларга ишонишади ва кўпроқ сармоя киритишга мойил бўлишади.

– Илмий тадқиқотларингиз қачондан бошланган?

– Олий таълимни тамомлагандан сўнг халқаро иқтисодиёт ва тадбиркорлик фанларидан дарс беришни бошладим. Бу эса менга илмий изланишларга жиддий қиришиш имконини яратди. Кўп ўтмай, кимё соҳасидаги меҳнат ресурслари масаласи менда катта қизиқиш уйғотди.

– Изланишлар жараёнида қандай хулосаларга келдингиз?

– Бизда кимё саноати ривожланиши учун катта имкониятлар бор. Фосфорит, калий тузлари, олтингургурт, газ ва нефть каби кимё саноати учун муҳим хомашёлар бисёр. Органик кимёвий моддалар ишлаб чиқаришда асосий манба бўлган табиий газга ҳам, бошқа табиий ресурслар заҳирасига ҳам эгамиз. Бундан ташқари, стратегик жойлашувимиз қўшни давлатлар ва йирик бозорларга чиқиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва енгил саноат учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш эса экспортни ривожлантиради. Технопарклар, эркин иқтисодий зоналар, махсус кимё саноати ҳудудлари, янги завод ва фабрикаларнинг



Илмий-тадқиқот институтлари сабаб илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ривожланмоқда. Давлат томонидан кимё саноатини ривожлантиришга оид стратегиялар ишлаб чиқилган. Хорижий ва маҳаллий сармоялар жалб қилиниб, “Uzbekistan GTL”, “Navoiyazot” сингари янги корхоналар очилляпти. Бу инвестиция ва давлат қўллаб-қувватловидан дарак.

Бироқ кадрлар ривожининг аниқ тизимисиз ҳақиқий инновацион иқтисодиётни қуриш мушкул, айниқса, кимё соҳасида. Автоматизация ва рақамли технологиялар янги малакаларни талаб қилади. Бизнес, таълим ва мутахассисларни қайта тайёрлашга катта эътибор қаратиш зарур. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция эса жуда муҳим.

– Ўзбекистонда меҳнат ресурсларини ривожлантиришда қандай муаммолар бор деб ҳисоблайсиз?

– Энг асосий муаммо – меҳнат бозори ва таълим тизими ўртасидаги номувофиқлик. Битирувчилар кўп ҳолда меҳнат бозорининг реал эҳтиёжларига тўлиқ мос келмайди. Айрим соҳаларда мутахассислар керагидан кўп, айримларида эса (IT, муҳандислик, қурилиш, аграр ва бошқа) малакали кадрлар танқис.

Замонавий иқтисодиёт рақамли салоҳият талаб қилади, аммо аҳолининг катта қисми бу борада қўникмага эга эмас. Айниқса, катта ёшдаги кишилар. Бугун сунъий интеллект ва автоматизация меҳнат бозорини тубдан ўзгартирмоқда. Бизда эса кадрларнинг технологик ўзгаришларга мослашуви суств. Таълим тизими кўп ҳолларда бизнес эҳтиёжларидан орқада қолган. Яна бир муаммо шуки, инновацион соҳаларда юқори малакали мутахассислар етишмайди.

– Бу муаммоларни қандай ҳал қилиш мумкин?

– Энг аввало, таълим тизими ва бозор эҳтиёжлари ўртасида уйғунликка эришиш керак. Университетлар, ишлаб чиқарувчилар ва давлат органлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш – меҳнат ресурсларини ривожлантиришда асосий омил шу.

Ўқув дастурларини бозор талабига мослаштириб, STEM – фан, технология, муҳандислик, математика соҳаларига эътиборни кучайтириш, ўқитувчилар малакасини ошириш, касб-хунар таълимига инвестициялар киритиш ва амалий машғулотлар орқали тажриба бериш жуда муҳим. “Dual education” каби моделлар бу йўлда яхши самара беради.

Шунингдек, университетлар қoшида илмий-техник стартаплар, рақамли технологияларни жорий этиш, электрон меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва давлат томонидан инновацияларни қўллаб-қувватлаш муҳим чоралар сирасига киради.

Янги Ўзбекистонда бу йўналишдаги ислохотлар ижобий ҳаракатлардан дарак бермоқда: ёш мутахассислар шаклланмоқда, стартаплар учун грант ва субсидиялар ажратилляпти; технопарклар ташкил этиляпти; инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратилляпти. Буларнинг барчаси меҳнат ресурсларини замонавийлаштириш, рақамлаштириш ва инновацион сиёсатни уйғун равишда амалга оширишга хизмат қилади.

– Мазмунли суҳбат учун раҳмат! – Суҳбат ўзим учун ҳам фойдали бўлди. Эътиборингиздан миннатдорман!

Абдулҳамид МУХТОРОВ
суҳбатлашди.

ОНАЖОНИМ – ТАБИАТ



КАРВОН ЙЎЛИДАГИ “ЖАЙРОН”

ёҳуд сайёҳларга бағрини очётган парваришхона

ЙЎЛ КЎРСАТУВЧИ МАЁҚ

Буюк Ипак йўли карвонлари қадимда Хитойдан Европага Бухоро орқали ўтган. Биз бугун ҳикоя қилмоқчи бўлган “Жайрон” парваришхонаси ҳудуди ҳам ана шу йўл ёқасида. Бу ердан XIII–XV асрларга оид кўплаб сопол идишлар топилгани ушбу манзил узоқ йиллар давомида Ғарб ва Шарқ ўртасида маданий кўприк вазифасини ўтаганидан далолат беради. Парваришхонадан 20 километр узоқликда қадимий сардоба сақланиб қолган. Усти гумбазли бу ҳовуз ёмғир, қор сувларини узоқ муддат тоза сақлаган. Бу тарихий иншоот ўз вақтида йўл кўрсатувчи маёқ вазифасини ҳам ўтаган. Карвонлар ўз йўналишини ана шу сардобалар орқали аниқлаб олишгани тарихий манбалардан маълум.

“ҚИЗИЛ КИТОБ” ВА “ЖАЙРОН”

Ўрта Осиёнинг энг катта учта чўлидан бири Қизилқумдир. У Амударё ва Сирдарё ораллигида жойлашган бўлиб, катта қисмини ярим собит қумлардан ҳосил бўлган ўрқачлар эгаллаган. Унинг энг баланд нуқталари – Бўкантоғ ва Қўлжуктоғ. Шўрхок ботқоқ ва пасттекисликлардан иборат энг чуқур нуқталари эса Оёқогитма, Мингбўлоқ саналади. Ушбу чўл Ўзбекистоннинг катта ҳудудини эгаллаганига қарамай, унинг маълум бир қисмидагина “Қизилқум” қўриқхонаси ва Бухоро иختисослаштирилган “Жайрон” парваришхонаси ташкил этилган.

Парваришхона ҳудуди – Қизилқум чўлининг жануби-ғарбий қисми, Қарнобчўл массиви, Бухоро шаҳридан 42 километр узоқликдаги, Когон ва Қоровулбозор туманлари орасидаги “А-380” автомагистрали бўйлаб жойлашган. Ҳудудининг умумий майдони 16 минг 522 гектар.

XX асрнинг 60-йилларига келиб, ҳайвонларнинг айрим турлари бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида қолди. Камёб ҳайвон турларини сақлаб қолиш, қўриқлаш масалалари инсониятни Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқини тузишга ундади. Ушбу ташкилот Жаҳон табиатни муҳофаза қилиш стратегиясини ишлаб чиқди ва ҳайвонларнинг ноёб турларини бир неча йўналишда сақлаш масаласини ўртага ташлади. Ўшанда таклиф қилинган усуллардан бири сунъий кўпайтириш эди.

70-йилларда кўплаб давлатларда янги экологик қонунлар қабул қилинди, “Қизил китоб”лар пайдо бўлди ва ҳайвонлар парваришланадиган махсус парваришхоналар яратилди.

НОЁБ ТУРЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ ВА
БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАШ

Иختисослаштирилган парваришхонанинг асосий мақсади ноёб турларни кўпайтириш, уларнинг биологиясини ўрганиш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва экологик таълимни ривожлантириш ҳисобланади.

– Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларининг генетик фондини сақлаб қолишга жиддий эътибор қаратмоқдамиз, – дейди ушбу масканда илмий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатаётган Дилшод Турсунов. – Наслдор зотларни илмий асосда яратиш, ҳайвонларни ярим тутқунлик шароитида сунъий урчитиш, ноёб турларни кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масаласи ҳам доимий диққат марказимизда. Илмий тадқиқотлар натижаларини мунтазам равишда нашр этиш ва илмий-тадқиқот институтлари, ҳайвонот боғлари, овчилик хўжаликлари ва бошқа фаолияти экология билан bogʻлиқ корхоналар, шунингдек, қўриқхоналар, миллий боғлар ва шу каби ташкилотлар билан тажриба алмашишни янада ривожлантириш ҳам бугунги кун талаби. Бундан ташқари, даромадли йўналиш сифатида тез-тез тилга олинадиган экологик туризмни ривожлантириш режаларимиздан биридир.

Дилшод Турсуновга кўра, бу ерга йилга 2 мингга яқин маҳаллий ва хорижий сайёҳ ташриф буюради. “Жайрон” парваришхонасида пиёда ва автоуловда саёҳат йўналиши, профессионал даражада фото ва видеотасвирга олиш, ботаника, орнитология ва бошқа соҳаларга иختисослаштирилган кундузги ва тунги экскурсияларни ташкил этиш имконияти мавжуд.

700 ГА ЯҚИН ТОШБАҚАНИНГ ТАҚДИРИ

Саксовуллар қалқон кўтарган жангчиларни эслатади. Улар чўл ҳудуди учун қони фойда. Қум кўчиши хавфини ҳам бартараф этади. Жониворларни озуқа билан таъминлайди, жазирама иссиқда уларнинг жонига ора киради.

Бу ерда парваришланаётган ҳайвонларнинг асосий қисми ярим тутқунлик шароитида кўпайтирилади. Яқинда парваришхонада икки бош Африка туякуши олиб

келиниб, махсус вольерга жойлаштирилди. Натижада сайёҳларни туякушлар ҳаёти билан яқиндан таништириш имконияти пайдо бўлди.

Ўрта Осиё чўл тошбақаси эса тобора камайиб бораётган эндемик тур ҳисобланади. “Қизил китоб”га киритилган мазкур тур Бухоро иختисослаштирилган “Жайрон” парваришхонасида муҳофаза олинган. Кунлар исий бошласа, тошбақалар қишки уйқудан уйғониб, фаол яшаш тарзига ўтади.

2021 йилнинг май ойида Қашқадарё вилояти ҳудудида табиий муҳитдан ноқонуний йиғиб олинган 700 га яқин тошбақа қонунбузарлардан олиб қўйилган эди. Тошбақалар хавфсиз сақланиши ва кўпайиши учун Бухоро иختисослаштирилган “Жайрон” парваришхонасига тегишли 5145 гектардан иборат ёпиқ ҳудудга қўйиб юборилган. Улар айна пайтда табиат қўйнида бошқа турлар қатори эмин-эркин кўпаймоқда.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

“Жайрон” парваришхонаси ҳудудида яшайдиган умуртқали ҳайвонларнинг элликка яқин тури ва умуртқасиз жониворларнинг олти тури Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” ва Халқаро “Қизил рўйхат”га киритилган. Асосий ҳудудда жайрон, қулон ва пржеваль отидан ташқари, калтакесак, бўзёкмавар, илонларнинг бир неча тури, чўл тошбақаси, тулки, тўқай ҳамда қамиш мушуги ва бошқа ҳайвонлар кўпайтирилади. Бу ерда 250 дан ортиқ қуш турини кузатиш мумкин. Уларнинг 35 тури ноёб ва Ўзбекистон “Қизил китоби”га ҳамда халқаро “Қизил китоб”га киритилган. Парваришхонада катта қарқара, сақоқуш, ўрдақларнинг бир неча ўн тури, қора тасқара, чўл бургутини ҳам учратиш мумкин.



Ҳудудда сутэмизувчиларнинг 36 тури қайд этилган. Бу Ўзбекистонда учрайдиган сутэмизувчилар умумий хилма-хиллигининг 33 фоизини ташкил қилади.

Шунингдек, ушбу манзилда саксовулзорлар, тўқайлар, тузли ботқоқ ва тақир ерларда унувчи ўсимлик навларини ҳам кўриш мумкин. Парваришхонада 46 оила, 182 туркумга мансуб, 267 турдаги ўсимликлар ўсади. “Жайрон” флораси таркибида Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган введенский олигохетаси, суғд қарраги, жовқосин лола турлари учрайди.

Бухородаги Жайрон кўпайтириш парваришхонаси дунёда ушбу турни кўпайтиришга иختисослашган ягона марказ ҳисобланади. Мазкур парваришхона билан Россия, Франция, АҚШ, Германия сингари давлатларнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. “Жайрон”да олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг аксарияти жаҳон амалиётида кузатилмаган.

Бугунги кунда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда биологик хилма-хилликни сақлашга катта ҳисса қўшаётган “Жайрон”да илмий-амалий тадқиқотлар барқарор ривожланмоқда.

Орол денгизи минтақасидаги экологик вазиятнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, чўл биоценозларининг тузилишини тиклаш дастурлари ишлаб чиқилмоқда ва чўлланишга қарши курашнинг ўзига хос усуллари таклиф қилинмоқда. Чунки Ўзбекистонда биохилмаҳилликни сақлаш ва ёввойи ҳайвонлар популяциясининг барқарор ҳолатини таъминлаш соҳасидаги ўзгаришлар жуда муҳимдир.

Обид Қўлдош

“Ёки илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан.

Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ

“



Бошланиши 1-саҳифада.

АДАБ ЁТЛАРДАН АДАБИЁТ ҚУТҚАРАДИ

Сухбатдошимиз – Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор Жаббор ЭШОНҚУЛ

тили ва тафаккурини юксалтиришга хизмат қилиши билан ҳам қимматлидир.

– **Фольклоршунос олим сифатида соҳанинг ютуқлари, камчиликлари ва сиз халқимиз чуқурроқ билиши керак деб ҳисоблайдиган жиҳатлар хусусида ҳам тўхталсангиз.**

– Сўнгги йилларда мамлакатимизда маданиятга, фольклор санъатига жуда катта эътибор берилляпти. Халқаро бахшичилик фестиваллари Термизда, Нукус ва Сирдарёда бўлиб ўтди. Бу соҳа ривожини учун ҳам, бахшиларимиз учун ҳам жуда катта воқелик бўлди. Чунки бу ерга келаётган ижрочини – бахши, оқин, жировлар турли миллат, элатга хос маданият, санъат, ижро усули ва репертуарлари билан танишиши имкониятига эга бўлишяпти.

Сир эмас, бахшичиликка қизиқиш кўпгина ўлкаларда ҳаминқадар. Шу боис ҳам улар буни жонли ҳолатда тасаввур қила олмайдилар. Юртимизга келиб, дostonларини жонли эшитиш имкони улар учун катта янгилик ҳисобланади. Бир пайтлар америкалик олимлар Мэлман Пэрри ва Альберт Лорд Европага келиб, сўниб бораётган бахши ижроси билан танишиб, жуда катта кашфиёт қилишган. Улар Гомернинг шоир, яъни индивидуал ижодкор эмас, халқ дostonлари ижрочиси, бахши бўлганини фанда исботлаб беришган. Кейинги муҳим қадам – жонли ижрога хос бўлган эпик формула, яъни дostonларда тақорланиб келувчи мисралар назариясига асос солишгани бўлди. Инглиз олимлари ушбу тадқиқлари орқали бутун дунёда доврўқ қозонишди. Лорднинг “Бахши” китоби эса шов-шув бўлиб кетди...

Халқаро бахшичилик фестивали арафасида “Алпомиш” дostonининг бир неча вариантини Ўзбекистон халқ бахшилари Абдуназар Поёнов, Қаҳор Раҳимов, Бойқўчор Аҳмедов, Шодмон Эгамбердиев ижросида ёзиб олди. Қолаверса, “Ўзбек халқ ижодий ёдгорликлари” нашр қилин-япти. Бугунги кунгача қирқта жилди босмадан чиқди. Биринчи навбатда, қадимдан жонли ижрода қуйлаб келинаётган дoston намуналари, эртақ, халқ кўшиқлари, мақол-матал, афсона, ривоятлар улардан жой олди. Бу эса ўзбек халқ оғзаки ижоди ниҳоятда бой ва ранг-баранг эканидан далolat.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, бугунги кунда халқаро ЮНЕСКО ташкилоти инсониятнинг номаданий ва маданий меросига aloҳида урғу берапти. Улар меросни катта беш гуруҳга бўлиб ўрганишади. Дostonлар ана шу бешталикнинг биринчисига киради. Чунки дoston ижрочилиги ер юзининг ҳамма жойида ҳам биздагидек табиий ҳолда сақланиб қолмаган. Шу тўғрисида дostonларимизга дунё олимлари юксак қизиқиш билдириб, уларни ўз тилларига таржима қилишяпти. Биргина “Алпомиш”нинг ўзи япон, корей, турк ва бошқа тилларда, шунингдек, Америка, Германия ва Россияда нашр қилинди. Германияда Карл Райхл исмли профессор oлим бор. У дунёга туркий халқлар эпоси тадқиқотчили сифатида танилган. Олимнинг ҳам ўрганаётган мавзуси айнан ўзбек дostonлари ва бахши ижрочилиги саналади.

– **Шунча шароит мавжудлигига қарамай, бу ноёб меросни нафақат ёшлар, балки катталар ҳам етарли даражада ўрганимаётгандек...**

– Муаммо шунда. Илк навбатда бахшиларимиздан қуйлаётган дostonларини жонли ижрода кўпроқ ёзиб олишимиз зарур. Афсуски, бу жараён суст. Эътибор қаратишимиз керак бўлган иккинчи масала, илмий тадқиқотларни кенг олиб бориш, кучайтиришдир.

ҳам тарқатилиб, oлий таълим муассасаларига қўшиб юборилганди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев саъй-ҳаракатлари билан Фанлар академияси бутунлай бошқатдан ташкил этилди, таъбир жоиз бўлса, янги ҳаётини бошлади.

Давлат адабиёт музейи бошқа музейлардан фарқли, бир пайтнинг ўзида ҳам музей, ҳам илмий муассаса сифатида фаолият юритади. Бу ерда нодир кўлёзма ва тошбосмалар бўлими-



миз бор. Шунингдек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ аждодларимиз кўлёмалари сақланади. Асосий вазифамиз ана шундай нодир меросни асраб-авайлаш ва уларни илмий тадқиқ этишдир. Музей илмий ходимларининг тадқиқотлари фақат юртимизда эмас, хорижда – Япония, Эрон, Озарбайжон, Туркияда ҳам амалга ошириб келинmoқда.

Адабиёт музейининг узоқ йилларга мўлжалланган режаси мавжуд. Ундаги асосий эътибор нодир кўлёмалар ҳамда шоир ижодкорлар архиви фондини тадқиқ этишга қаратилган. Шоир ижодкорлар фонди – ноёб архив. Бунақаси бошқа бирор музейда йўқ. Унда утган аср бошларидан то яқин йилларгача яшаб ижод этган шоир, адабиётшунос олимларнинг кўлёмалари, ҳужжатлари сақланади. Улар ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Утган йили музейнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Шаҳноза Назарова томонидан Чўлпоннинг шу пайтгача номаълум бўлган “Замона хотини” кўлёмаси бизнинг музейда топилиб, нашр қилинди. Бу фонд сўнгги йилларда Тоҳир Малик, Рауф Парфи, Бахтиёр Назаров, Наим Каримов каби шоир ва академик олимларимизнинг ижод архиви билан бойиди.

Шунингдек, музейда “Адабий мерос” номли илмий журнал чоп этилади. Нашр таҳрир ҳайъатида хорижлик кўплаб таниқли олимлар бор. Унда

тилшунослик, фольклоршунослик, адабиётшунослик, матншунослик ва дунё адабиётига доир долзарб мавзудаги мақолалар бериб бoрилади.

Бу йил музейимизнинг янги биноси тамомила замонавий шаклда, хориж архитекторлари лoйиҳаси асосида қад ростляпти. Музейнинг янги кўринишида дунё назарида турадиган маданий муассасалардан бирига айланишига ишонаман.

– **Юқорида адабиётни миллат руҳини тарбияловчи фан, дедигиз. Шоир “Надир ҳолинг бу фандан ташқарида”, деганидек баъзан ён-веримизда миллий қадриятлар, урф-одатларимизга белисанд кишиларни учратамиз. Уларни бу фан ичкарасига олиб киришда нималар қилмоқ керак?**

– Биринчи қиладиган ишимиз уларни, айниқса фарзандларимизни ижтимоий тармоқлардан узоқроқ тутishi лoзим. Илгари ҳар бир хонадоннинг ўз тартиб-қоидалари, ўзига яраша тутумлари бўларди. Ёшлар мана шу одатлар, миллий қадриятлар руҳида тарбия топарди. Дейлик, дастурхон бошида ўтирганда, катталарнинг кичикка, кичикларнинг катталарга муносабати барчаси тарбияга, ибратга йўналтирилган. Бу энди шунчаки панд-насихат эмас, тарбияни сўз, адабиёт кучи билан олиб бoриш эди, десак янглиш бўлмайди.

Ҳозирда фақат бизда эмас, бутун дунёда маънавиятга хуружлар oртиб бoрmoқдаки, аксарияти ижтимоий тармоқ кўли билан амалга ошириляпти. Бу кўринмас oғу таъсирида ахлоқ-аён айнашлар авж oляпти. Айни дарддан халос бўлишнинг бирдан-бир йўли адабиёт, миллий аъналардир.

Оналаримиз айтган алла, бахшиларимиз қуйлаган дoston, oилада катталар oвоз чиқариб ўқиб берган китоблар – барчаси тарбия. Ҳозир алла айтиляптими? Унутиб қўйди. Кимдир баланд оҳангда китоб ўқиб беряптими? Эслоп-маймиз. Аспида, миллат руҳини тарбиялашнинг зиммасида турган бир қирраси мана шулар. Таассуфки, биз бугун болалар кўлига китоб эмас, телефон беришни маъқул кўрамыз. Оқибатда улар тарбиясида нуқсонлар яралmoқда. Фарзандлар тарбиячиси биз эмас, ижтимоий тармоқлар бўлиб қоляпти.

Шахсан менга таскин, қувонч берадигани – бугун юртимизда китобхонликка катта эътибор қаратиляпти. Бундай саъй-ҳаракатлар биз кутган ҳосилни беришини истасак, фарзандларимиз тарбиясида масъулликни тармоқлардан ўз қўлимизга олишимиз шарт. Сиз ўқисангиз, фарзандингиз ҳам китобга талпинади. Бордию телефон билан машғул экансиз, бола ҳам сиздан ўтиб қайга бoради? Ўзимиз ўрнат бўлайлик. Қисқаси, таълим-тарбия аввали oилада. Шундай экан, ўзимиз баробарида oилани адабиётга, китобга яқинлатишимиз керак. Зотан, адабиётгина жамиятни адаб ётлардан тозалайди, поклaйди, кутқаради.

– **Жаббор ака, фойдали ва самимий сухбат учун Сизга миннатдорлик билдирамиз.**

Зарнигор ИБРОҲИМОВА
суҳбатлашди.

МУЛОҲАЗА

Рўзаи рамазон кунларида ойнаи жаҳон (айниқса, ижтимоий тармоқлар) саховат тadbирлари тарғиботи билан тўлиб тошди. Халқимизда қадимдан Наврўз ва бошқа байрамларда, айниса, рўза ойида эҳтиёжманд oилалар ҳолидан хабар олиш, фитр ва закотларини камдаромад oилаларга бериш аънаъаси мавжуд. Сўнгги йилларда бу аънаъа давлат сийсати ўларoқ тизимли ташкил қилинадиган тadbирларга айланди. Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган “Темир дафтар” ва бошқа шунга ўхшаган рўйхатлардаги oилаларга мунтазам моддий ёрдамдан ташқари тadbиркорлар ва сармоядор инсонлар томонидан хайру саховатлар ушлаяпти.

Бу яхши аънаъа – яхши амал. Аммо...

Рамазон кунларида “Темир дафтар”да турадиган, боқувчисини йўқотган хонадонга маҳалла имоми бошлиқ масъуллар бир қоп ун, ёғ, қанд-курскелтиришганида гувоҳ сифатида биз қўшниларни чақиршиди. Уша берилмиш неъматлар солинган кўтини oиланинг қизи ёнига қўйиб, биз гувоҳларни ҳам сафга тизиб суратга олишгани ғалат иш бўлди. Ажабланганимни кўриб, масъуллардан бири “Ҳoқимликка маълумот сифатида фотосурат юборишимиз керак”, деди...

Ойнаи жаҳонда шунга ўхшаш тadbирдан oлинган лавҳага кўзим тушди. Ногиронлик аравачисида ўтирган ўрта яшар

ЎНГ ҚЎЛИНГ БЕРГАННИ... БУТУН ДУНЁ КЎРСИН(МИ?)

киши ҳoмийлaр келтирган бир қоп ун ва бошқа eгуликлар ёнида хoмуш қиёфада ўтирибди. Ёнида қизалоғи келганлар ва уларнинг видеога олишларига қизиқиб қараяпти...

Майли, хайру саховат қилинибди, фалон нарсалар бeрилибди, аммо шунинг тасвирга олиб, бутун юртга кўз-кўз қилиш шартми? Яна сўзaмoл муҳбир “Камбағал, ногирон киши ҳoлидан хабар олинди, фалон нарсалар бeрилди. Фуқаронинг бу эътибордан боши қўкка етди, миннатдорлик билдиришга тили oжиз...” каби кўтаринки сўзларини тўтиқўшдек “сайраяпти”.

“Э, биродар, тақдир тақозоси билан ногиронлик аравачасига миҳланган қолган бандани шу аҳволда кўрсатиш шартми? Эртага танишлари, қўни-қўшнилари oлдида хижолат тортмайдими, уятдан боши eгилмайдими?” дейдиган oдам йўқ.

Шунга ўхшаган тadbирларни маҳаллий ҳoқимликларнинг расмий сайтлари ҳам гўё “oламшумул воқеа” тарзида ёритишларини айтинг!

...Амакимизнинг невараси турмушидан айрилиб, она уйига қайтиб келди ва “она қорнига сиққан” oғайнларини уни oта уйига сиғитирмади. Oтасидан мерос

қолган ер майдонида ўзи ва болаларига бошлана тиклай деса... қани маблаг? Эл-элат, яқинларининг моддий ёрдамлари болаларининг қорни ва уст-бошидан ортмаса...

Шу орада кимдир уйсиз аёлга иморат қўриб бeраётганидан хабар топдим. Борсам, ҳақиқатда аллақачон уйнинг бетон пойдевори тикланиб, девор уришга киришилган. Бу ишлар бошида ким турибди, деб қизикдим ва билдимки, водийлик киб тadbиркор савoб учун қўриб бeраётган экан. Уша тadbиркорнинг телефон рақамини топиб oғландим ва бу савoб амалини матбуотда ёритишини режалаганимни айтдим. Шунда у тadbиркор рад қилди: “Ака, шартмас. Фалон иш қилдим десам миннат бўлади. Ҳаммасини Худо қўриб турибди-ку!”

Уч ойда уша тadbиркор беш хонали иморатини тиклаб, томига тунука қоплатиб, ичларини таъмирлатди – амакимнинг невараси гўё туш кўргандай яп-янги уйга қўчиб ўтди. Эндиликда ҳар таомланганида уша инсонни дуo қилади. Қизиги, уша инсон исм-шарифини унгаям айтмабди.

Ўзим гувоҳман: ўтган асрнинг тўқсонинчи йили бир ҳамкасбимиз Ёшлар иттифоқи мукофотига соҳиб бўлди.

Мукофотни марказдан келганлар Хива туманидаги катта саройда тантанали равишда топширдилар. Ҳамкасбимиз кўксига лауреатлик нишонин тақилгач, хатжилдда берилган мукофот пулини oлдию, эъланинг биринчи қаторида ўтирган Хива болалар уйи директори Вера Пакни чорлаб, унинг қўлига тутқазди. Зал гулдўрос қарсақлардан ларзага келди. Уша вақтда бу пулга бундайроқ бир eнгил машина бeради.

Энг эътиборлиси, тантанадан сўнг ёзилган дастурхонда чой ичаётганимизда уша ҳамкасбимиз қатъий тайинлади: “Мукофот пулини eтим болаларга берганимни ҳеч ким мақоласига қўшмасин. Илтимос”.

Орадан ўттиз oпти йил ўтибгина уша воқеани қаламга oлдим. Сабаби...


Қоғознинг Қорачой аталмиш қадимдан туркий биродарларимиз яшаб кeладиган автоном республикасида бир муддат ишлаб қайтган жияним эътиборли ҳолатини айтиб берди: “Рўза oйида биз ижарада турган хонадон дарвозаси oлдида ҳар қуни эрталаб турли oзиқ-овқатлар солинган eлим халтачалар турган бўлади. Суриштирсак, шу ерлик oдамлар муқаддас oйда биз мусофирларга шу тахлит саховат кўрсатишар экан. Бу

ҳол деярли ҳар қуни тақорланади. Кимлардир тунда келтирган oзиқ-овқатлар ижарада яшайдиган тўрт кишига кўплик қилади. Яқин-атрофда ижарада турган ҳамюртларимизга улашай десак... улар ҳам истеъмoлдан oртганини нима қилишларини билмай бошлари қотган бўлиб чиқади. Нима қилайлик, oртиқча oзиқ-овқатни тоза ҳoлида савдо дўконларига топшириб, тушган пулларни ўзимиз билган – элатимиздаги камдаромад oилаларга жўнатдик”.

Бу ерда изoҳ oртиқча. Фақат бeгона бировларнинг пинхона саховати элдoшларимизни ҳам шу ишга ундаганини eслатиш кифоя.

Яқинда ижтимоий тармоқда бир блогер кетма-кет ҳoқимликдан норoзи бўлиб чиқишлар қилди. Нима eмиш, у eтимесир, бeва-бечoралар, эҳтиёжманд oилаларга мунтазам моддий ёрдам акциялари уюштирармиш-у, ушбу тadbирлар ҳақидаги ёйинларни ҳoқимлик расмий сайти ўз саҳифасига қўйишни рад қилибди. “Қўли очик, саховатли блогер”нинг эзгу ишлари ҳoқимликка ёқмаётган eмиш, гўё у бу бoрада уларга рақобатчи миш. Унинг чиқишларидан аламзадалик ва кибр уфуриб турибди.

Тағини суриштирсa, уша блогер бу са-



ховат ишларини ўз чўнтагидан қилаётгани йўқ. Блогида “Камбағалларга ёрдам қўлини чўзайлик” деган шior oстида акциялар уюштириб, пул тўплаб, шундан бир қисмини тарқатmoқда, холос. Қoлаверса...

Бу биродаримиз “Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг кўрмасин”, дейилимиш oтасўзимиздан мутталоқ бeхабар. Унга қўйиб бeрса, уша “ўнг қўлини” бутун дунёга машҳур қилса – “пайк” деган нимрасадан кўпроқ тўпласа.

Нима деймиз? “Яхшилик қил – дарёга oт! Билса бaлиқ, билмаса Хoлиқ”, деган мақoлдан ўтказиб нимаям дердик.

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



КОНФЕРЕНЦИЯ



СОҲИБҚИРОННИНГ ҲАРБИЙ МАҲОРАТИ ВА МАҲОБАТИ

Буюк саркарда, маърифат ва маданият ҳомийси, соҳибқирон Амир Темури бобомиз ўзининг юксак заковати, адолатпешалиги билан дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган. У қолдирган бой ҳарбий ва маънавий мерос ҳамиша дунё афкор аҳлининг диққат-эътиборида бўлган ва ҳануз тадқиқотчилар Амир Темури ва темурийлар даврини ўрганишга эҳтиёж сезяпти.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маданият департаментида “Амир Темури ва темурийлар даври ҳарбий санъати: лашкарнинг маънавий-ахлоқий ва жанговар тайёргарлиги масалалари” мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманда бир қатор хорижий давлатларнинг Ўзбекистонда фаолият юритаётган ҳарбий атташелари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, олий таълим муассасалари, Қуролли Кучлар академияси профессор-ўқитувчилари, ҳарбий тарих бўйича етук мутахассислар, киноижодкорлар, ёшлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. “Zoom” платформаси орқали қатнашган чет эллик мутахассислар ҳам масофадан туриб ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишди.

Давлатимиз мадҳияси билан бошланган мазкур тадбирни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-майор Шухрат Холмухаммедов очиб берди ҳамда анжуманнинг мақсад ва вазифалари хусусида сўз юритди. Шунингдек, Ўзбекистон Қуролли Кучларида гоёвий жиҳатдан етук, юксак интизом ва масъулият ҳиссига эга, миллий қадриятларга содиқ, ватан равнақи учун жанги жадалларга тайёр бўлган янги авлод ҳарбий хизматчиларини тарбиялаш, темурийлар меросини ҳарбий таълим ва тарбия тизимининг ажралмас қисмига айлантириш муҳим вазифа қилиб белгилангани таъкидланди.

Тадбирда ЎзР ФА Тарих институти директори, академик Азамат Зиё, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси, профессор Саидхон Саидолимов, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, профессор Отабек Ҳасанов ва бошқа соҳа мутахассислари чиқишида ҳам соҳибқироннинг ҳарбий ва маърифий меросини тадқиқ ва тарғиб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Конференция доирасида “Амир Темурнинг жанг стратегияси”, “Амир Темури ва темурийлар даврида ижтимоий, маданий ва ҳарбий-сиёсий вазият”, “Амир Темурнинг қалъаларни эгаллаш маҳорати” каби ўнлаб мавзулар муҳокама қилинди. Маърузачилар темурийлар даврида шаклланган ҳарбий санъат ва стратегия ҳамда давлатчилик асосларини чуқур таҳлил қилиш, уларни замонавий ҳарбий таълим, тарбия ва тайёргарлик жараёнларида интеграциялаш имкониятларини ўрганишга алоҳида ургу беришди.

Тадбирнинг бадий қисмида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли, “Турон” ҳарбий театри, Мудофаа вазирлиги қўмондонлигига қарашли ҳарбий хизматчилар ҳамда Мудофаа вазирлиги Алоҳида кўргазмалар-намуналари ҳарбий оркестр ижодкорлари томонидан тайёрланган бадий-ижодий дастури намойиш этилди.

Бундай йирик халқаро илмий-амалий анжуманнинг ўтказилиши нафақат Амир Темури меросини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, балки Ўзбекистоннинг тарихий меросини жаҳон миқёсида танитишда ҳам муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Шахриёр ИБРОҲИМОВ



БОҚИЙ МЕРОС



ЯНГИЧА ЭЪТИРОФ

Бу йилги Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган концепцияда ушбу айёмни халқимизнинг улугъ намояндалари таваллуд айёмлари билан ҳамоҳанг тарзда нишонлаш катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланиб, бундай улугъ сиймолар қаторида Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг табаррук номи ҳам қайд этилган.

Очигини айтганда, биз ҳар йили оммавий ахборот воситаларида, турли маънавий-маърифий тадбирларда дунёвий руҳда ижод қилган таниқли шахсларнинг туғилган кунларини нишонлаймиз. Лекин диний-тасаввуфий йўналишда фаолият олиб борган буюк зотларнинг юбилейларини ўтказамиз-у, таваллуд кунини билмаймиз ҳам, эсламаймиз ҳам. Бу йил ана шу кенгликка барҳам берилди. Чунки Президентимизнинг тегишли қарорига асосан Маҳмуд Замахшарий, Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Алихонтура Соғуний каби диний-тасаввуфий йўналишда фаолият олиб борган буюкларнинг таваллуд кунларини Наврўз байрамига ҳамоҳанг тарзда кенг нишонлаш белгиланди.

Бу – аънананинг бошланиши. Ишончимиз комилки, ҳар йили шундай бўлади.

ХОЖАҒОН-НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ АСОСЧИСИ

Хожа Абдулҳолиқ ибн Абдулҷамил Ғиждувоний – тасаввуф тарихидаги йирик назариятчилардан бири, хожাগон тариқатининг асосчиси. Кейинчалик у “*Хожа-йи Жаҳон*” (“*Жаҳоннинг Хожаси*”) лақаби билан ном қозонган. Ҳозиргача ҳам маҳаллий аҳоли ўртасида Ғиждувон шахрини ана шу улугъ шайх ҳақи-хурмати-дан “*Хожа-йи Жаҳон*” деб аташ аънанаси мавжуд. Ул зот 1103 йили Бухоронинг Ғиждувон қасабасида туғилиб, 1179 йили шу ерда вафот этган. Хожাগон-нақшбандия тариқатидаги Бухородан ўтган етти пирнинг сарҳалқаси, яъни биринчиси ҳисобланади.

“Зикри воқеоти Хожайи Жаҳон Абдулҳолиқ Ғиждувоний” асари (1717 йили қўчирилган)да маълумот берилишича, Абдулҳолиқ 9 ёшида Қуръони Каримни ёд олган, 10 ёшидан бошлаб дарвешлар ўтказадиган зикр маросимларида фаол иштирок этган, бухоролик устози Имом Садриддиндан Қуръони Каримни тафсир қилиш илминини ўрганган. 22 ёшида Абдулҳолиқ Эроннинг Ҳамадон шаҳридан Бухорога қайтиб келиб, тасаввуф тарғиботи билан шуғуллана бошлаган Хожа Юсуф Ҳамадонийга мурид тушади. Шундан сўнг қолган умрини тасаввуф хизматида бағишлайди. Бу таълимот назарияси ва амалиётига оид “Рисолайи саҳобия”, “Мақсад асоликин”, “Маслак ул-орифин”, “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”, “Тариқат одоби” деб номланган беш асар битган. Шогирдлар тарбияси билан шуғулланган. Ўз руҳини камолга етказишда юксак даража-ларга етишган.

Абдулҳолиқ Ғиждувоний ўз устози Юсуф Ҳамадоний жорий этган зикр маҳали амал қилинадиган тўртта рашҳани (“*Хуш дар дам*”, “*Назар бар қадам*”, “*Сафар дар ватан*”, “*Хилват дар анжуман*”) яна тўрттага (“*Ёдқард*”, “*Бозгашт*”, “*Нигоҳдошт*”, “*Ёддошт*”) қўпайтириб, бу қоидаларни 8 тага етказди. Шу тариқа у амалий жиҳатдан янги хожাগон тариқатини бошлаб, уни назарий жиҳатдан асослаб берди.

Ғиждувоний тасаввуф тарихида энг сўнгги, шу билан бирга, энг мукаммал тариқатни бошлаб берди. XIV асрда Баҳоуддин Нақшбанд бу тариқатни такомилга етказди ва у аввал “*хожাগон-нақшбандия*”, кейинчалик эса тўғридан-тўғри “*нақшбандия*” деб юритиладиган бўлди.

ҒИЖДУВОН МАДРАСАСИ КИМНИНГ ШАРАФИГА ҚУРИЛГАН?

Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг қабри – Ғиждувон шаҳрида. Мирзо Улуғбек бу улугъ зот ҳақи-хурмати учун 1433 йили унинг қабри атрофида мадраса қурдирган. Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллиги муносабати билан бу ерда қадимий аънаналарга мувофиқ янги мажмуа барпо этилди.

ЎНИНЧИ ҲАЛҚА

Гарчи Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)дан бошланган олтин силсилада Ғиждувоний ўнинчи ҳалқа ҳисобланса ҳам, у киши хожাগон-нақшбандия тариқатининг асосчиси, яъни биринчи пири сифатида хурмат-эҳтиромга эга бўлди.

2002 йил 4 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг “Абдулҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. 2003 йил 27 ноябрда ушбу қутлуг сана ЮНЕСКО иштирокида юксак ташкилий савияда ўтказилди. Ғиждувоний ҳазратларининг қадамжоси кенгайтирилиб, ажиб зиёратгоҳга айлантирилди. Мажмуа таркибида янги масжид ҳам бор. Мақбара ёнидаги Мирзо Улуғбек мадрасаси таъмирланди. Бугун бу ерга дунёнинг турли бурчакларидан зиёратга келишади.

ХУФИЯ ЗИКРИНИ КИМ ЎРГАТДИ?

Абдулҳолиқ Ғиждувоний Ҳамадоний таълимотини ҳар тарафлама бойитиб, тасаввуф амалиётига хуфий зикрни олиб кирди. Тасаввуфда зикр тушиш, яъни муайян тартиб-қоида асосида Худонинг номларини зикр қилиш муҳим амалиёт ҳисобланади. Айрим тариқатлар, масалан, ясса-вияда баланд овоз билан кўпчилик бўлиб зикр тушиш бор, мавлавияда эса рақсу самовъ, яъни бир пайтнинг ўзида ҳам овоз чиқариб зикр тушиш, ҳам рақс қилиш аънанаси кучли эди. Хожাগон тариқатида жорий этилган хуфий зикр талаби бўйича эса сўфий овоз чиқармасдан, бировга кўрсатмасдан, хуфий, яъни яширинча тарзда зикр тушади.

Манбаларда хуфий зикрни Ғиждувонийга Хожайи Хизр (а.с.) ўргатгани қайд этилади. Алишер Навоийнинг далолат беришича, Хизр пайғамбар (а.с.) Ғиждувонийга ҳовуз сувига шўнғиб, кўнғилда: “*Ло Илоҳа иллаллоҳу Муҳаммад ур-расулуллоҳ*”, деб зикр айтишни буюрган. Умуман, авлиёлик ҳолатларини халқдан яшириб юриш, уни оммага ошкор қилмаслик Ғиждувонийнинг камтарона йўли эди. Холбуки, унинг валийлик даражаси шу қадар юксак эдики, унинг этилган далолат қилиб ёзишча: “*Ҳар вақт намозда Каъбага борурлар эди*”.

ҚАЛБНИ “ЎҚИЙ” ОЛГАН АВЛИЁ

Навоий Абдураҳмон Жомийга суянган ҳолда бу авлиёнинг бошқа баъзи қароматларини ҳам баён қилади. Хусусан, шайх бир жамоага маърифатдан маъруза қилиб ўтирган эди. Шу маҳал бир йигит зоҳидлар қийимида, яъни эғнида хирқа кийган, елкасига жойнамоз ташлаган ҳолда келиб, бир чеккага ўтирибди. Ҳазрат негадир унга қизқиш билан қарайди. Шунда ҳалиги йигит Шайхдан: “*Мўминнинг фаросатидан кўрқинг, чунки у улугъ ва қўдратли Аллоҳ нури билан боқади*”, деган ҳадиснинг сирини мада” деб сўрайди.

У замонларда мусулмон динида бўлмаган кишилар ўзининг бошқа дин вакили эканини билдириш учун белига зуннор (ип) боғлаб юрар эди. Ҳалиги нотаниш йигитнинг саволига Ғиждувоний фаросат билан шундай деб жавоб қайтарди: “*Бу ҳадиснинг сирри будурки, хирқанг остидаги зуннорингни кесиб, иймон келтургайсен*”. Шунда йигит бу қароматдан ҳайратга тушиб, дарҳол зуннорини кесади, иймон келтириб, мусулмончиликни қабул қилади.

КИМНИНГ ДУОСИ ҚАБУЛ БЎЛАДИ?

Бир умидвор киши Ғиждувонийдан: “*Бизни шундай дуо қилингки, Шайтон домидан эсон-омон жон сақлайлик*”, деб илтимос қилди. Оддий бир дуохон бўлса: “*Кел, мендан нима келти, бир дуо қилсам, қилибман-да*”, деб, дуо бериб юбораверар эди. Аммо Ғиждувоний унга: “*Киши фарзларни адо этсагина унинг дуоси ижобат бўлади. Сен фарз адо-си билан машғул бўл ва бизни яхши дуолар билан эсга ол. Биз ҳам фарзлар адо-сидан кейин сени дуо қилайлик. Шунда ҳам сенинг, ҳам бизнинг дуомиз ижобат бўлғай*”, деди.

Ғиждувоний КИМ ЭДИ?

МАНСУР ҲАЛЛОЖ НЕГА ДОРГА ОСИЛМАС ЭДИ?

Алишер Навоий бу улугъ шайх ҳақида: “*Аларнинг равиши тариқатда ҳужжатдур. Барча форуқ (ҳақни ботилдан ажратувчилар)нинг мақбулидурлар*”, деб ёзади. Чунки Ғиждувоний муридлар ва дарвешлар учун ахлоқ-одоб қоидалари мажмуасини ишлаб чиқади. Тасаввуфни мўтадиллаштириб, сиёсатга ва расмий динга яқинлаштиради, унинг ҳаётий моҳиятини очиб беради. Хожа Али Ромитаний: “*Агар Ер юзида Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний фарзандларидан (яъни шогирдларидан) бири бўл-са эди, Мансур Ҳаллож ҳеч қачон дор остига бор-мас эди*”, деганида ҳам айнан бу шайхнинг тасаввуфни мўтадиллаштирганини кўзда тутган. Чунки Ҳаллож: “*Ана-л-Ҳақ*”, яъни: “*Мен Худоман*” дегани учун жазоланган. Лекин у буни халққа очиқ-ойдин сўзлаган, нақшбандия шайхлари ҳам шу фикрда, аммо улар бунини, биринчидан, ҳаммага айтмаган, иккинчидан, силлиқ қилиб ифодалаган.

ВОБКЕНТ МИНОРАСИНИ КИМ ҚУРДИРГАН?

Вобкент тумани марказидаги 1198 йили қад ростлаган, яъни 822 йилдан буюн ўзбек миллий меъморчилигини дунёга кўз-кўз қилиб келаятган гўзал минора ҳам айнан Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг шахсий маблағи ҳисобига барпо этилган.

“КАМ ГАПИР, КАМ Е, ОЗ УХЛА..”

Фахруддин Али Сафий (XIV аср)нинг “Рашаҳот айн-ул-ҳаёт” рисоласида ёзилишича, Ғиждувоний ўғлига қарата шундай дейди: “*...Илм-маърифат, ахлоқ-одоб, тақво учун ҳамиша саъй-ҳаракат қил; вақтида намозингни ўқи, лексин имомлик ва муазинлик қилма; ўзингдан кейин қимматбаҳо асар ва таълифот ёзиб қолдир; суннат ва жамоат аҳли мулозматини учун интил; фикҳ ва ҳадис шимларини тўхтовсиз ўрганиб бор; ҳаргиз шуҳратталаб бўлма, чунки шуҳратталабликдан доимо офат келади; мансабга мукайёд бўлиб қолма (мансаб-параст бўлма), доимо камтар бўлишга ҳаракат қил; хонақоҳ қурма ва хонақоҳларда яшам; кам гапир, кам е, оз ухла; ўз хилватингда бўлиб, ҳамиша ҳалол ва пок яша, ҳалол е; ҳадеб хандон ташлаб кулаверма, қаҳ-қаҳ отиб кулши дилни вайрон этади; ҳар бир кишига меҳр-шафқат кўзи билан бок, ҳеч кимни ўзингдан паст ҳисоблаб, уни таҳқир этма; зоҳиринг (ташқи кўринишинга) оройи-шига кўп аҳамият берма, чунки бундай аъмолдан ботининг (ички кўринишинга) расво бўлади; ҳало-ийк ила мужодаლა (тортишуве, баҳс-мунозара)га борма; бировдан асло бирор нарса таъма қилма; бировни хизматга буюрма (хизматкор тутма); машоихларга молу жонинг билан сидқидилдан хизмат қил; мол-дунёга мағрур бўлма, ўшанда дилинг ором олади*”.

Шайхнинг бу каби ахлоқ-одобга оид панд-насиҳатлари, ибратли сўзлари, ҳаёт тарзига айланган қонун-қоидалари кейинчалик нақшбандийлик сулукига кирган дарвешлар учун асосий мезон бўлиб қолди. Чунки булар хожাগон-нақшбандия таълим-тининг мазмун-моҳиятини ташкил этар эди.

Ғиждувонийдан мерос бўлиб қолган шеърый асарларда ҳам моҳиятан тариқат қатъиятлари илгари сурилган. Улардан бирида:

*Дари хилват банду бари суҳбатро кушой,
Дари шайхиро банду дари ёйро кушой, –*

яъни: “*Хилват эшигини ёпиб, суҳбат эшигини оч, шайхлик эшигини ёпиб, ёрлик, яъни дўстлик эши-гини оч*”, дейилади.

ИККИ ОЛАМ САОДАТИ

Хожাগон-нақшбандия тариқатининг бош йўлига айланган “*Дил – ба ёр-у, даст – ба қор*”, яъни “*Кўнглинг – Аллоҳда, қўлига – ишда бўлсин!*” деган моҳиятан теран маънога эга буюк шиорни ҳам илк бор айнан Ғиждувоний ҳазратлари ўртага ташлаган. Тариқатнинг қолган барча шиор (рашҳа)лари, яъни ҳаётий қоидалари ҳам мантақан ана шу бош гоёнинг замирида пайдо бўлди. Шу тариқа хожাগон тариқатидан бошлаб тасаввуф тарихида кескин бурилиш юз берди. Энди сўфийликда, инсон Ҳаққа етиш даражасида қимматлик эришиши мумкин ва бунинг учун Яратган Ҳаллоқ этган ҳаёт, тириклик лаззатларидан воз кечиш, таркидунёчилик қилиш шарт эмас, аксинча, одамзод умр бўйи эзгуликка интилиш, тинимсиз бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлиши, ўзидан бу дунёда муносиб из қолдириши, шу тариқа умрибойиликка дахлдор бўлиши лозим, деган хулоса ҳукмрон бўла бошлади.

Султонмурод ОЛИМ,
“Нақшбандия” журнали
бош муҳаррири




Бошланиши 1-саҳифада.

Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистонда замонавий география фанининг пойдевори айнан Махмудхўжа Бехбудий томонидан XX асрнинг бошларида чоп этилган қатор жуғрофий асарлар билан боғлиқдир.

Ёшлигиданоқ араб тили грамматикаси, математика, ҳуқуқшунослик асослари, география, мантик, филология каби фанларни чуқур ўрганган аллома XX аср остонасида дунё мамлакатларига саёҳат қилиш, улардаги ижтимоий ҳаётни ўрганиш орқали ўз дунёқарашини кенгайтиришга аҳд қилди. Жумладан, 1899 йилда у муқаддас Ҳаж зиёратига бориш мақсадида ўзининг илк сафарини бошлади. Сафар Россия, Крым, Эрон, Туркия ва Мисрнинг турли шаҳарлари орқали амалга оширилган. Олим узоқ йўлни ўша вақтда мавжуд бўлган барча воситалар – поезд, кема, от ва туялар ҳамда баъзи жойларда пиёда босиб ўтган. Саёҳат Бехбудийга турли ҳудудларни кўриш, уларни қиёслаш ва мавжуд тафовутларни таҳлил қилиш имконини яратди.

Демак, биринчи ҳаж сафари қаҳрамонимиз



Париждан Японияга қадар бўлган мамлакатлар билан таништирган бўлса, “Саёҳат хотиралари” Туркистон аҳли учун асосан мусулмонлар яшайдиган Шарқни кашф қилди”.

Бехбудий ўз асарларида тарих ва географиянинг жамиятда тутган ўрнига ҳам алоҳида аҳамият бериб, уларнинг инсоният жамиятида илк даврлардаёқ шаклланган дунёдаги энг қадимги фанлардан эканини таъкидлаган. У бу борадаги илмий қарашларини “Тарих ва жуғрофия” деб номланган илмий мақоласида баён этган. Унинг

БЕҲБУДИЙ ВА ЖУҒРОФИЯ

учун катта маънавий аҳамиятга эга бўлган. Чунки олим ўша вақтларда илму фан ва таълим ривожланган мамлакатларга ташриф буюрди. Бу юртлардаги ўқитишнинг янги услублари, мадраса ва педагогик тизимларни ислохот қилиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг шохиди бўлди. Ташриф буюрган манзилларида сотиб олинган газета, китоб, журнал, дарслик ва ўқув дастурларидан эса сафардан сўнг Туркистонда маърифатни ривожлантириш йўлида кенг фойдаланди.

Илк ҳаж сафаридан қайтганидан уч йил ўтгач, Бехбудий 1903-1904 йилларда Санкт-Петербург, Москва, Қозон, Оренбург шаҳарлари ва Қримга саёҳат қилиб, бу ерлардаги таълим методлари билан танишди. Олимнинг ушбу сафари унинг Туркистонда янги услубдаги мактабларни ривожлантириш бўйича гоҳлари тақомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Турли мамлакатларда бўлган Махмудхўжа Бехбудий ўз фаолиятида дунёвий билим ва маданиятни тарғиб қилишга алоҳида аҳамият қаратди. У 1913 йилдан “Самарқанд” газетаси ва шу йилнинг августидан “Ойина” журналини нашр эттира бошлади.

Саккиз ойлик саёҳати давомида маърифатпарвар сайёҳ улкан ҳажмдаги илмий ишларни, жумладан, ўзи ташриф буюрган шаҳарлар ва мамлакатлар аҳолисининг ижтимоий-сиёсий аҳволи бўйича кузатишларни амалга оширди. Кузатишлари натижаларини ўз сафар кундалигида қайд этиб, уларни “Саёҳат хотиралари” номи билан чоп қилди. Мазкур хотиралар тарихий аҳамиятга эга бўлиб, Россия империяси ва Яқин Шарқ мамлакатлари шаҳарларининг XX аср бошларидаги ҳаётининг яққол манзарасини намоён қилади.

Жумладан, ушбу ҳудудларнинг аҳолиси, қишлоқ ҳўжалиги маданияти, яшаш тарзи ва савдо алоқаларининг турли жиҳатлари сайёҳ томонидан қизиқарили ифодаланган.

Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги Миср, Сурия, Жазоир ва қатор араб мамлакатларига Бехбудий томонидан берилган тавсиф таҳсинга лойиқ. Олим ўз эсдаликларида ушбу ҳудудларнинг мезморичилиги, сиёсий аҳволи, аҳолининг асосий машғулот, урф-одатлари, банклар, темирйўл ва бошқа муассасаларнинг фаолияти, ҳатто, йўл чиптаси ҳамда меҳмонхонада тунаш нархлари ҳақида ҳикоя қилган.

Эсдаликлар туркистонликларга хорижий мамлакатлар ҳаётининг барча қирралари билан яқиндан танишиш имконини берди. Бу ҳақда немис олими И.Бальдауф шундай ёзган эди: “Бехбудийнинг *“Ойина”* журнали *Ўрта Осиё*ликларни

фикрича, тарих ва география инсон учун қуёш каби зарурдир.

Тарихни яхши билмоқ учун географиядан, айниқса, тарихий географиядан пухта хабардорлик зарур. Шу боис, Бехбудий ўзининг “Ойина” журналинда чоп этилган мавзулар иқтисод, сиёсат, маданият ва фаннинг турли соҳаларига дахлдор бўлиб, уларда қатор муаммоли масалалар кўтарилган.

Айниқса, олим “География нима?”, “Дунёда қанча аҳоли ва халқ бор?” номи мақолаларида география фанининг вазифалари, унинг тадқиқот объектлари, аҳоли географияси ва этнография ҳақида сўз юритган. Ўрта Осиё ва Туроннинг Бехбудий томонидан тасвирланган қадимги географик чегаралари ҳозирги замон мутахассислари эътиборини тортиши шубҳасиз.

Олимнинг “Улуғбек расадхонаси”, “Ер”, “Қуёш” каби илмий-оммабоп мақолалари, бошқа мамлакатларда чоп этилган адабиётлардан таржималари ўз замонасида қизиқиб мутлоаа қилинган. Бундай мақолаларнинг географик миқёси кенг бўлиб, турли ҳудуд ва қишлоқларни қамраб олган. “Ойина” журналинда Ҳиндистон, Хитой, Индонезия, Россия аҳолисининг ижтимоий ҳаёти ҳақида қизиқарли лавҳалар мунтазам чоп этилган.

Замондошлари олимнинг тўла асарлари тўпламини чоп этишни режалаштириб, у ҳақда қатор мақолалар ёзишган. Аммо XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб Бехбудийга совет маъмурилари томонидан “миллатчилик ҳаракати йўлбошчиси” тамғаси босилиб, қатағонга учраши туфайли ушбу режалар амалга ошмай қолган.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда миллий таълим тизимини яратишга катта ҳисса қўшган жадидларнинг, шу жумладан, Махмудхўжа Бехбудийнинг фаолиятига оид тарихий ҳақиқат қарор топди. Уларнинг илмий мероси, шу жумладан, Туркистонда география фани ривожига қўшган ҳиссаси ҳозирда Ўзбекистон Республикасидан ташқари Германия, Туркия, АҚШ, Япония ва Ўрта Осиё мамлакатлари олимлари томонидан кенг ўрганилмоқда.

Зеро, Бехбудий яратган асарлар юртимизнинг XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорағидаги географияси, шу жумладан, иқлими, табиий ресурслари, аҳолиси ва ижтимоий ҳаётига оид қимматли манба ҳисобланади.

Каромиддин ГАДОЕВ,
география фанлари номзоди

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

“ҲАҚИҚИЙ ҚАҲРАМОН КЎЗДАН САЛ ЧЕТРОҚ”

Биласиз, Риштон кулолчилик тажрибаси билан донг таратган, илму ҳунар ҳадисини олган кўплаб зиёлиларни тарбиялаган замин. Бу ернинг илмий, меҳнатшар инсонларидан бири Қодиржон Қосимов ишбилги одам: бир вақтнинг ўзида деҳқон, боғбон, тадбиркор. Эрон ва Туркиядан ноёб писта навларини келтириб, лаборатория усулида етиштириб, катта майдонда боғ яратган. Фарғонага сафаримиз улар билан ҳамсуҳбатликда янада қизғин ўтди ва таассуротларимизни сизга-да илдинди.

“ОҚ ОЛТИН” ҚОЛДРГАН ДОҒ

Совет ҳукумати учун Марказий Осиё тайёр хомашё манбаи, Туркистон халқлари эса текин ишчи кучи эди. Босқинчилар қўлга илингулик моддий ва маънавий бойликларни ташиб бўлгач, минтақани бўлак-бўлакка ажратиб, ҳар бир ҳудудни муайян саноат йўналишига ихтисослаштирди. Ўзбек халқи чекига “оқ олтин” тушди. Шу тариқа бутун бошли мамлакат пахта етиштириладиган экин майдонига айлантирилди. Оқибатда боболар тиклаган боғлар кўпорилди, бўлиқ тупроқ қимёвий моддалар билан заҳарланди, халқ заққум ҳидини ютиб яшашга мажбур бўлди. Сув ресурсларидан узлуксиз ва палалартиш фойдаланиш эса Орол денгизининг қуришига олиб келди. “Пахта иши” номи остида авж олган сиёсий кампания ҳам қизил қатағоннинг бир кўриниши эди.

Бугун ҳам ўша экологик фожиаларнинг асоратини ўз танимизда ҳис қиламиз. Бундай чуқур заҳимлар шўрпахта босган билан кета қолмас экан...

Шукрки, куллик кишанлари парчаланди, эркимиз ўз қўлимизда. Бугун минтақада экологик вазиятни яхшилаш энг муҳим масалалардан бирига айланди. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан тасдиқланган “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорлиқни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарор бу борадаги ишларга мустақкам асос бўлди. Қарорда “яшил” технологияларни жорий этиш, сувни тежаш, қўқаламзор ҳудудларни кескин кўпайтириш, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш, чиқиндилар муаммосини ҳал қилиш, энг муҳими, аҳоли саломатлигини мустақкамлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Пахта яккахоқимлигига барҳам берилиб, ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитига мос экинлар экиш йўлга қўйилди. “Ер бўлса, меҳнат қиламан, экиб-тикаман, боғ яратаман”, деган меҳнатсевар деҳқон ва боғбонларга ерлар узоқ муддатга ва имтиёзли шартларда ажратиб берилмоқда.

СУВ ЙЎҚЛИГИДАН ЭКИЛГАН ПИСТА

Риштон кулолчилик мактабининг жаҳонга донг таратгани бежиз эмас. Сопол ясаш учун тўғри келган жойдан тупроқ олинмайди. Риштоннинг пишган лойи эса сариёдай кесилади. Ҳамма гап асосда. Энди мана шу қизил тупроқда, тошлоқ қир-адир-

ликларда ҳам боғ яратса бўладими, десангиз, “Бўлади!” дейман. Келинг, ўз кўзим билан кўрганларимни сўйлаб берай.

– Беш йилдан ошди, – деб ҳикоясини бошлайди қаҳрамонимиз. – Туркия сафарида Газизантега борганимда қадамда писта боғларига дуч келдим: кўчаларда, уйларда ҳам писта буталари. Сўнг билсам, шаҳар иқтисодига катта улуш шу боғлардан келаркан. Даромадио буромадига қизикдим. Қарасам, бу жойлар иқлими, тупроғи ўзимизнинг ерга тортади. Сўғориш усуллари билан қизикдим. “Сув йўқлигидан писта эканмиз-да”, деб қулиб қўйишди. “Бизда ҳам йилдан йилга сув танқис бўлиб борапти, шу ишни ўзимизда синаб кўрсак бўларкан”, деб ўйлагандим ўшанда. Шу-шу, ўзимизникилар гапни бир жойга қўйиб, ишга энг шимардик. Бошқа давлатлар тажрибасини ҳам ўргандик. Мана, натижани кўриб турибсиз.

Писта етиштиришда АҚШ, Эрон, Туркия каби давлатлар етакчи. Биз уруғларни, асосан, Эрондан келтирамыз. Ҳамма туридан бор: хандон, аҳмадий, мумтоз, дўлана, ўзимизнинг Фарҳод-Ширин. Мана бу гуллашга келгани – акбарий...

Ҳозир боғимизнинг умумий майдони 157 гектар, кўчатлар 150 минг тупга етди. Келинг, даромадни бир чамалаб кўрайлик. 150 минг тупнинг ҳар биридан бир килодан писта олдим деб ҳисобласангиз, чиқади – 150 тонна. Майли, килоси 100 мингдан дейлик. Кўпайтирсак, 15 миллиард сўм! Чамачун бир килодан ҳисоблаганимиз бир тупдан тобиға келганда 30-40 кило ҳосил олиш мумкин. Мавсум яхши келса, боғнинг ўзи бир йилда барча харажатни қоплаб беради. Шунанга баракали. Шунинг учун пистани “олтин дарахт” дейишади-да.

Писта арзон маҳсулот эмас. Бозорларимизда ўртача 150–200 минг сўм атрофида. Биласиз, бизникилар писта-бодомни асосан тўй-тўйчиқа олади, ўзи емай, меҳмонга олиб қўяди. Ҳосилни кўпайтириб, килосини анча арзонлашсак, одамлар кўп-кўп олиб ейди. Саломатлик учун қони фойда. Мақсадимиз шу, аввало, ўзимизнинг бозорлар тўлисин, биринчи ўринда халққа нафимиз тегсин. Ўзимиздан ортгани экспортга.

Бўлар ҳали катта ишнинг дебчаси. Мана бу қурилаётган бинолар келажақда ин-витро лаборатория, илмий марказ ва агромактабни бирлаштирган яхлит комплекс бўлади. Туркия билан кадрлар масаласида меморандум имзолаганимиз. Илм, амалиёт ва тажриба бир нуқтада бирлашса, энг яхши мутахассислар йиғилса, яхши ҳақ тўланса, албатта, эртага натижа ҳам яхши бўлади. Ўзимизнинг болалар таълим олади, умуман, ер илми назарий ва амалий ўргатилади.

Бизнинг деҳқон, боғбонлар замонавий илмдан, янги технологиялардан беҳабар қолапти. Шунга ичим ачийди. Изланиш йўқ, янгиликни қабул қилиши қийин. Ўз қолибга тушмаса, кўнмайди, хато санайди. Кўпчилик тасаввурда деҳқончилик, боздорчилик жўн юмушдек кўринади. Аслида, бу катта илм. Замон ўзгариб борапти. Замондан ортда қолмаслигимиз керак. Унда-бунда совет давридан қолган бесамар боғларни кўраман: бекор жой эгаллаб ётибди,



томчилаб сўғориш жорий қилинмаган, бир дунё сув шовуллаб оқиб боради-ю, тезда ер тагига сингиб кетади. Энг ёмони, ҳосил экспорт қилишга ярамайди. Ана ўша боғларни янгилаш керак.

Томчилаб сўғориш жуда муҳим масала. Аввало, сув тежаласди, ўсимлик суви тенг миқдорда ичади, минерал ўғитлар тенг тақсимланади, бир хил озқиланади. Қолаверса, бирлари ғовлаб, бирлари қуриб-қовжираб қолмайди. Тенг бўй тортади, бир хилда яшнаб туради.

Ин-витро дедим-ку, шунга ҳам тўхталиб ўтай. Бунда ўсимликларни шиша идишларда ўстириш назарда тутилади. Устунлиги шундаки, лаборатория шароитида бўлгани учун мавсум танламасдан, ўсимликларни исталган фаслда кўпайтириш мумкин. Кейин бу ниҳоллар касалликка чидамли бўлади, тез амал олади. Писта, одатда, етти-саккиз йилда ҳосилга кирса, ин-витродан чиққани уч йилда мева боғлайди.

Бундан ташқари, буталар орасига қоврак эканмиз. Яна турли доривор тоғ ўсимликлари: исирик, кийикўт, тоғ ялпизи... Табобат учун. Ҳамма меҳригиёҳ ўзимизда, асли. Президентимиз топиб айтганлар: “Илм билан боғ яратиш керак”. Бош мақсадимиз – боғдорчиликда янги мактаб очилсун.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Пойтахтга қайтарканман, йўл-йўлакай боғ-роғларга кўз қадаб, обод манзилларни кўриб, тинч-осойишта ҳаётимизни ўйлаб тўлқинланиб кетдим. Яратганга шукр! Меҳнаткаш халқимиз орасида сизу мен таниб-танимаган яна қанчадан-қанча замонамиз қаҳрамонлари бор! Шоир: “Ҳақиқий қаҳрамон кўздан сал четроқ” деганидек, улар ҳадеганда кўзга ташланавермайди, бироқ ўз вазифасини сидқидилдан бажаради. Бугун мен уларни бирлаштириб турадиган битта жиҳатни топгандай бўлдим – шижоат! Ўйлайманки, Қодиржон ака тамоман бошқа касб билан шуғулланганда ҳам камолига етказган бўларди. Шундай ғайратли инсонлар керак бизга! Бундай новатор кишилар замон билан теппа-тенг қадам ташлайди, жамиятда юз бераётган силжишларга лоқайд қараб турмайди. Бундай эрлар юрт қаҳирисига доимо “Лаббай!” деб жавоб беради, дадил ўртага чиқади.

Яна ўйлаб кетаман, демак, ватанпарварлик махсус ўргатилмайди, бақириб айтилмайди. Демак, у “тандан ичкарироқда, нақ юракнинг ўзида” бўлади!

Жамолiddин БАДАЛ

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ИМПОРТ ТАРИФЛАРИ ЯНАДА ОШИРИЛДИ

АҚШ президенти Дональд Трамп Хитойдан ташқари 60 мамлакат учун оширилган “жавоб” божларини жорий этишни 90 кунга тўхтатиб қўйишни маълум қилди, деб хабар бермоқда CNN ва New York Times. Бу даврда улар учун 10 фоизли универсал тариф амал қилади.



Хитой учун импорт божлари 104 фоиздан 125 фоизга оширилади. “Хитойнинг жаҳон бозорларига ҳурматсизлик кўрсатаётгани сабабли мен АҚШнинг Хитойдан оладиган божларини 125 фоизгача кўтараман. Умид қиламанки, яқин келажақда Хитой АҚШ ва бошқа мамлакатларни талон-торож қилиш мумкин эмаслигини тушуниб етади”, деб ёзди Трамп Truth Social ижтимоий тармоғида.

Шунингдек, у 75 дан ортиқ давлат тариф-

лар бўйича музокаралар ўтказиш илтимоси билан АҚШга мурожаат қилганини айтди.

Хитой ҳукумати эса АҚШдан импорт қилинадиган барча товарлар учун божларни 84% гача оширди.

ФАЛАСТИН МУСТАҚИЛЛИГИ ТАН ОЛИНИШИ МУМКИН

Франция президенти Эммануэль Макрон мамлакат июнь ойида Фаластин давлатини расман тан олиши мумкинлигини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, Саудия Арабистони билан биргаликда ўтказилиши режалаштирилган халқаро анжуманда икки давлат ечими масаласи муҳокама қилинади.



“Биз Фаластинни тан олиш томон ҳаракатланишимиз керак ва яқин ойларда бунга эришамиз. Мақсадимиз – ушбу конференцияда раислик қилиш ва бир қатор давлатлар билан ўзаро тан олиш жараёнини яқунлаш”, деди Макрон Мисрга икки қулиқ

ташрифидан сўнг France 5 телеканалига берган интервьюсида.

Маълумот учун, ўтган йили Фаластинни Арманистон, Испания, Ирландия, Норвегия ва Словения каби давлатлар тан олган эди.

ШИМОЛИЙ КИПРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ



Озарбайжон Шимолий Кипр Турк Республикаси (ТРШК)га Туркий давлатлар ташкилотига қузатувчи мақоми берилишида ҳал қилувчи роль ўйнади ва унинг тўлақонли халқаро тан олинишни қўллаб-қувватлашда давом этмоқда. Бу ҳақда Озарбайжон президенти Илҳом Алиев Хонкенди шаҳридаги АДА университетига бўлиб ўтган “Янги жаҳон тартиби сари” халқаро форумида маълум қилди.

“Биз бу масалани қўллаб-қувватлаётган фаол давлатлардан биримиз. Президент

[Эрсин] Татар Шуша шаҳридаги норасмий саммитга тақлиф қилинди ва унда қатнашди. Ўша ерда Шимолий Кипр байроғи ҳам ҳилпираб турди”, деди Алиев.

ДУНЁНИНГ ЭНГ ҚИММАТ КОМПАНИЯСИ

Microsoft Apple акциялари қулаганидан кейин капитализацияси бўйича дунёда биринчи ўринга қикди. 8 апрель кунги савдолар ағаланига кўра, Apple капитализацияси 2,59 триллион долларни ташкил этган бир вақтда Microsoftнинг бозор қиймати 2,64 триллион долларга етган. Бу ҳақда CNBC наشري хабар берди.



Савдолар ёпилган пайтда Apple акциялари қиймати – 172,42 доллар (-4,98 фоиз), Microsoftники эса 354,56 долларни (-0,92 фоиз) ташкил этган. Капитализация бўйича учинчи ўринни Nvidia эгаллаган – 2,35 триллион доллар. Компания акциялари 1,37 фоизга арзонлашиб,

96,3 долларни ташкил этган. Америка фонд бозорига савдолар бошланишидан олдин учала компаниянинг ҳам капитализацияси 3 триллион доллардан ошдиқ эди.

“УЧ ЙИЛЛИК ИМКОНИЯТ” БЕКОР ҚИЛНАДИ



ХДИ/ХСИ консерватив блоки ва Германия Социал-демократлар партияси коалиция музокараларида Германия фуқаролигини уч йил ичида олиш имкониятини бекор қилишга келишиб олди, деб хабар беради Die Zeit наشري.

Шу билан бирга, коалиция Германия паспортини беш йил ичида олиш имкониятини сақлаб қолишга қарор қилди.

Хусусан, ноқонуний мигрантларни мамлакатдан фаол чиқариб юбориш, қучайтирилган чегара назоратини сақлаш ва Германиядан бошлана олишга даъвогарлик қилишга руҳсат берилмайдиган давлатлар руйхатини кенгайтириш тақлиф қилинмоқда.

“ЎТКАН КУНЛАР” – 100 ЁШДА

Отам Ҳабибулла Қодирийнинг айтишлари-ча, “Ўткан кунлар”нинг айрим боблари 1923-1924 йилларда “Инқилоб” журналида босилиб турган. Масалан, “Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли”, “Хон қизига лойиқ бир йигит”, “Бек ошиқ”, “Марғилон ҳавоси ёқмади”, “Киройи қуявинг шундоғ бўлса”, “Мажбурият”, “Ҳақимчилик” каби боблар. 1925 йилга келиб эса асарнинг биринчи бўлими алоҳида китоб бўлиб нашр этилган экан. Ушбу сана муносабати сабаб, “Ўткан кунлар” билан боғлиқ баъзи хотираларни ўртоқлашишга жазм этдик.

Отамиз ўз хотираларида шундай ёзадилар: “...1932–1934 йиллар миёнаси бўлса керак, уйимизда бир тилла соат пайдо бўлиб қолди. У уч қават қопқоқлик, занжири тилладан, рим рақамлари ҳам зарҳал катта ён соат бўлиб, дадам ижодхонасида, тоқча қозигида, уст қопқоғи очиқ ҳолда осигилиқ турар эди. Биз баъзан вақтни билиш учун бу ярақлаган соатга қараб қўяр эдик. Ёдимда, бир гал бу соатни қўлимга олиб турдим-да, ҳавасланиб, курсида ёзиб ўтирган дадамга дедим:

– Ада, рухсат этсангиз, шу соатни тақиб бир гал мактабга бориб келай...

Дадам бош кўтариб илжайдилар:

– Йўқ, бўлмайд!

Бу соатнинг уйимизда қандай пайдо бўлгани мени у чоғларда қизиқтирмаган эди (балки, сотиб олгандирлар, деб ўйлагандирман). Орадан кўп вақт ўтмай, тилла соат қозикда йўқ бўлиб қолди (чамаси, у ойимнинг бисот сандиқларига тушиб кетдиёв) ва уни бошқа кўрмадим. Энди қирқ йилдан ортиқки, у соатдан фақат хира-шира хотира-манзара қолди, холос.

...1975 йилнинг декабрь ойи охириларида хизматимдан таътил олдим-да, ҳаво алмаштириш, дўстлар мулоқотида бўлиш мақсадида Душанбе шаҳрига бордим. Унда баъзи дўстлар менинг меъда хасталиғи билан оғриб юришимни билган: “Бизда меъда ичак касалликларини даволочи махсус илмий-текшириш институти бор, шунда ётиб бир даволанинг”, дейишди. Маслаҳат менга маъқул тушди, улар воситасида мазкур касалхонага ётдим.

Касалхонада яшайман. Тожиқ дўстлар мусофирлигимни билинтирмаслик учун кун сайин хабар олиб туришади. Бундай дўстлардан бири Абдуғаффор Ҳасанов (бу кишини менга қаламқаш дўстим Абдулахад Қаҳҳоров таништирган эди). У қистақулик, етмиш беш ёшларда, кўҳна маорифчи, классик адабиётимизнинг билағони, хушчақчақ одам...

1976 йил январь ўрталари бўлса-да, ҳаво ҳамон илқ, қор-ёмгирсиз қурғоқчилик эди. Бир дам олиш куни домла Ҳасанов шошилганнамо хонамга кириб келди. Қўришдик, домлага ўтиришга жой кўрсатди.

– Йўқ, – деди у киши ўтирмай, – сизни кўргани меҳмонлар келишган. Кийининг, ташқарига чиқамиз.

– Қандай меҳмонлар? – дедим ажабланиб. – Уларни ҳам шу ерга қақира қолинг...

– Йўқ, улар кўпчилик, хонангизга сигишмайди, – деди домла.

Мен бунчалик кўп меҳмонларнинг кимлар бўлишини ўйлаб, кийиниб ташқарига чиқдим ва дарҳақиқат касалхона ҳовлисидаги ўтиргичда бир айланиб ўтирган ўн беш чоғлик кишиларни кўрдим. Уларнинг ҳаммаси кекса, яхши кийинган, нуроний отахонлар бўлиб, барчалари ҳам менга нотаниш эди.

Қўришиб-сўрашиб чиққач, маълум бўлдики, уларнинг ҳаммаси тошкентлик пенсионерлар бўлиб, қиш бекорчиликда саёхатга чиқишиб, Душанбеге келишган экан. Дўстлари домла Ҳасанов уйда меҳмон бўлишиб, у кишидан касалхонада ётганимни билишиб, гарчи нотаниш бўлсак-да, ҳамшаҳарлик ҳурмати ҳол сўраб ўтишни лозим кўриб келишган экан...

Баъзи расмий гаплардан сўнг, меҳмонлардан Аюбхон ака исмли тўқсон ёшларга борган бир киши менга ҳазил-мутойиба қилди:

– Дадангиз ва Расулмуҳаммадбой бобонгизни яхши билардим... Октябр ёнқилобига қадар мен рус мануфактурачи бойлари қўлида вояжурлик қилганман. Дадангиз Чорсудаги калта растада приказчилик қилганларида мендан тўплаб газмол олар эдилар, – деди ва қулиб давом этди. – Биз бу саёхатимиздан аввал Ленинободда бўлдик, унда отангиз ҳақида ёзган китобингизни иттифоқо топиб олиб ўқидик. Ёзганларингиз ҳаммаси тўғри, аммо китобингизнинг бир камчилиги бор, мулло Ҳабибулло...

– Қандай? – сўрадим мен.

– Расулмуҳаммад бобонгиз тўғрисида кўп гапларни ёзибсиз-у, – деди Аюбхон ака яна қулиб, – лекин у кишининг бир камчиликларини ёзмабсиз...

– Масалан?

– Расулмуҳаммад бобонгизнинг тиллари бироз чучуқроқ эди, шусини қўшмабсиз...

Қулишдик. Мен гўё ялигандек бўлиб дедим: – Бобонинг бу “камчилик”ларини тоғаларимиздан ҳам эшитган эдим... Жон амаки, сизга озгина пора ваъда қилайин, аммо бобонинг бу “камчилиги”ни ўзга ерда ошқора қила кўрманг, уялмай...

Яна қулишдик.

Шу вақт меҳмонлардан Муҳиддинжон ака Аҳадов исмли бир киши:

“КҮМУШНИНГ ЎЛДИРИЛГАННИ КЕЧИРМАЙМАН”

– Биз бир вақт дадангизга бир тилло соат совға қилганмиз... – деб қолди. Бу сўздан менинг кулоғим диккайди:

– Тилла соат совға қилганмиз, дейсизми? Қачон, қаерда, нима учун?

У киши шундай ҳикоя қилди:

– Мен асли кўконлик, 1932 йили Душанбе шаҳрига кўчиб келиб, бир неча йил Заготэкспорт идорасида ишлаганман. 1934 йилнинг эрта баҳори бўлса керак, Душанбе шаҳрида қарийб бир ярим ой тўхтовсиз ёмғир ёғди. Биз ўн икки улфат савдо ходимлари эдик, шундай ёмғирли кунларда қиларга ишимиз, борарга жойимиз йўқ, тўпланишиб фақат меҳмондорчилик, китобхонлик қилар эдик. Ичимизда ёши каттароғи ўшлик Ҳомиджон Обиджонов исмли бир киши бўлиб, у анча ўқимишли эди. Бир куни шу киши “Ўткан кунлар” романини топиб келиб, ўқий бошлади. Бу китоб бизни ўзига жуда боғлаб олди. Уни эшитаётиб, гоҳ қувонар, гоҳ қуйинар эдик. Ниҳоят, китобни аза билан тугатдик ва да-



дангиз қаламига раҳмат ўқиб, пул йиғиб кичкина хат билан бир тилла соат совға қилиб юбордик. Бирмунча вақтдан кейин дадангиздан қисқа мазмунли шундай бир жавоб хати олди: “Китобимни ўқиб таъсирланганларингиздан мен ҳам таъсирландим. Юборган умр число совғаларингизни олдим, миннатдорман, раҳмат”, дебдилар хатларида.

Мен Муҳиддинжон акадан юборилган соатнинг қандай шакл – тўзлишда бўлганини ўсмоқчилаб сўрадим. Худди ўша тилла соат!”

Ўзбекистон халқ рассоми Ҳикмат Раҳмон шундай ҳикоя қилган эди:

“Менинг болагим Эски жўва даҳасида ўтган. У пайтларда бу жойлар жуда обод эди. Ҳозирги майдон ўрнида Бекларбеги мадрасаси бўларди. Мадраса 1924 йили бузиб ташланган. Босмахона атрофидаги дўконда Маҳкам ака (суртакш Содиқ Маҳкамовнинг отаси) саҳхофлик (китобфурушлик) қилардилар. Бизнинг хонадонга “Ўткан кунлар” китобининг учала бўлими ҳам ўша дўкондан сотиб олиб келтирилганди. Китоб араб алифбосида нашр этилган.

Амаким Убайдулло Асқаров Эски жўвадаги дўконда қосибчилик қилардилар. “Ўткан кунлар” нашр этилган йили кечкурун амаким мени дўконга олиб чиқиб, шу китобни овоз чиқариб ўқитганлар. Дўконга йигирма-ўттиз чоғли одам йиғиларди. Уларнинг барчаси саводсиз. Мен маром билан ўқий бошлайман. Қосибларнинг қўли ишда, кулоғи китобда. Пашша уса эшитилди. Ҳатто бировнинг йўталишига ҳам рухсат йўқ. Жағим оғриб, лабларим қуруқшаб кетади. Ўқиб ҳўрознинг тунги бир-икки қичқиригича давом этади.

Эртасига кечки томон яна дўконга чиқаман. Эшитувчилар мендан аввал чиқиб, пойлаб ўтиришган бўлади. Яна овоз чиқариб ўқишни бошлайман.

Ўзбекнинг биринчи романини шу зайлда ўн кунда ўқиб тугатганмиз. Мен у вақтларда ёш эдим. Эҳтимол, романтика воқеаларни ўшанда унчалик идрок эта олмагандирман. Бирок ёшим улғайғач, “Ўткан кунлар” мени ўзига шунчалик сеҳрлаб қўйдики, бутун умр ўша сеҳр билан яшаб келялман. Ҳатто, умр йўлдошим Зарофат “Ўткан кунлар”ни ёд билади. Уша уч бўлимли китоб ҳамон уйимда сақланади.

Абдулла Қодирийнинг боғи ёнида 6-сонли болалар уйи бўларди. Мен у ерда мураббий бўлиб ишлаганман. Биз девор оша боққа қарардик. Ёзувчини кўпинча боғ ишлари билан машғул ҳолда кўрганман. Бу бобонинг “Ўткан кунлар”-дек китобни ёзганига ҳеч ишонгим келмасди”.

Олима Ҳожиакбархон қизи Раънохон Файзуллаева хотиралари:

“...1972 йили номзодлик илмий ишимни ёзиб тугатган эдим. Германиядаги танишим Дорис Шульц Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг немисча таржимасини менга юборди. Китобни устозим Файзулла Саломовга кўрсат-

дим. У киши:

– Романи тезда ўқиб чиқинг. Унинг асли ва русча таржимаси билан солиштириб, ўз фикрингизни билдиринг ва илмий ишингизга қўшиб юборинг, – деб маслаҳат бердилар.


Зудлик билан устозим буюрган ишларини бажардим.

1973 йили бўлса керак, Абдулла Қодирийнинг ўғиллари – Ҳабибулла ака телефон қилиб қолдилар. Салом-алиқдан сўнг у киши:

– Сизнинг отам ҳақларидаги авторефератингизни ўқиб чиқдим. Мумкин бўлса, бир учрашасак, – дедилар.

Мен умр йўлдошим – Тўхтамурод аканинг руҳсатлари билан у кишини уйга таклиф қилдим. Ҳабибулла ака шифокор эканлар. Узоқ суҳбатлашиб ўтирдик...

– Сиз отамни дунёга танитибсиз. Сизга катта раҳмат! – деб миннатдорлик билдирдилар. – “Ўткан кунлар”нинг немисча таржимасини бир кўрсам, – дедилар.



Китобни олиб чиқиб қўлларига тутқаздим. Китобга узоқ тикилиб турдилар. Кўзлари ёшланди. Уни юзларига босдилар...

Жимжитлик... Сукунатни бузиб:

– Ҳабибулла ака, бизни яна бошқа нарсга ҳам боғлаб туради, – дедим.

У киши ҳайрон бўлиб менга қарадилар.

– Оталаримиз қамоқда битта камерада бўлишган экан, – дедим.

– Отангиз ким бўладилар? – деб сўрадилар.

– Ҳожиакбархон эшон, – дедим.

– Нахотки! Ё Раббим! Бу қандай учрашув?! – деб ҳайратландилар.

Дадам Ҳожиакбархон эшон (1887–1947) тутқулқидан (1937–1943 йилларда) қиққач, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ кўлэмалари институтида илмий ходим бўлиб ишлаган. 1945-1946 йилларда Бухородаги Мир Араб мадрасасида мудarrisлик қилиб, мадрасанинг ўқув дастурини тузган эканлар...

Отанинг жанозаларида Эшон Бобохон (1857–1957) ҳазратлари, шундай деган эканлар:

“Бугун нафақат инсоният, балки бутун жонли табиат мотамда. Биз бугун буюк бир инсонни йўқотдик. Агарда илмда олим битта бўлса, у киши шу биттаси эдилар. Агар иккита бўлса, биттаси эдилар...”

1937 йили дадам қамалганларида Лаълихон олам уларга егулик олиб бораркан. Олам овқатни оқ сурпга ўраб қиритар экан. Дадам оқ сурпга химик қалам билан хат ёзиб чиқарарканлар. Сурпни сувга ботирса ёзув чиқаркан. Шу тариқа алоқа боғлаб туришган экан. Дадам хатларининг бирида Абдулла Қодирий билан бирга эканликларини ёзган экан. Дадам ўзларига келган овқатдан Абдулла Қодирийга ҳам илинаркан... Абдулла Қодирий тушқунликка тушган пайтларида отам:

– Абдулложон, кўп сиқилманг. Қаранг, бу ерда ётганлар ичида биронта айбли иш қилиб қамалганлар борми? Ҳаммалари бизга ўхшаб тухматга учраганлар. Ҳақиқат юзага чиқар, бизга ҳам ёруғликка чиқиш насиб этар! – деб тасалли бераркан...”

Бобомизнинг замондошларидан бири Убайдулло Расулий хотиралари:

“1929 йили мен “Алмаий” номли 9 йиллик намуна-тажриба иш мактабини битирдим. Шу йили бизнинг битирувчи синфимиз Самарқандга юборилди. У ерда уч ой ўқигач, бизни сиёсий-маориф ходимлари қилиб, вилоятларга юборишди.

Мени Бухоро вилояти халқ маорифи бўлими ихтиёрига, ундан эса Галаосиё (ҳозирги Бухоро райони) халқ маорифи бўлимига ишга юборишди.

У ерга борган куним район маориф бўлимида ҳеч ким йўқ пайтига тўғри келди. Ҳаммани пилла ва чигирткаларга қарши кураш тадбирига сафарбар этишган экан. Биринчи кечани қишлоқ чойхонасида ўтқаздим. Эртаси куни нонушта қилиб, чойхонанинг бир чеккасида маъёус тортиб ўтирдим. Ёшман, ота-она бағридан биринчи марта олисга чиқишми, ҳеч кимни танимайман. Яна бир томони, пулим йўқ... Ниҳоят, ўзимни овуттиш учун жомадонимни очиб, “Ўткан кунлар” китобини олиб ўқий бошладим. Китобни ўқир эканман, кўзимдан ёш оқа бошлади. Шу пайт бир йигит келиб мен билан саломлашди. У мендан 2-3 ёш катта қўринарди. У ёнимга ўтиргач:

– Сиз қаердан, жўро? – деб сўради.

– Тошкентдан.
– Саёхатгами?
– Йўқ, Ишга.
– Қаерга?
– Маорифга.
– Ҳай, учрашдингизми?
– Ҳеч ким йўқ.
– Шундайми? Қачон келдингиз?
– Кеча.
– Қаерда тунадингиз?
– Чойхонада.
– Яхши тунадингизми?
– Раҳмат.

Шундан сўнг йигит ерга сув сепиб юрган чойхоначи билан тожиқчалаб сўзлашиб кетди. Улар гап орасида қаҳ-қаҳ отиб қулишар эди.

– Исмингиз ким?
– Убайдулла.
– Меники Ёдгор, райторга ишлайман. У чойхоначига:

– Шоди ако, якта чой тет, меҳмонба, – деди.

Чойхоначи бизга патнисда иккита иссиқ нон билан чой келтирди. Ёдгор нонни ушатар экан сўради:

– Убайдулложон! Бу қандай китоб?

– “Ўткан кунлар”.

– Чи?

– “Ўткан кунлар”. Абдулла Қодирий Жулқунбойнинг романи.

– Ҳикоями?

– Ҳа. Зўр ҳикоя.

Суҳбатдан маълум бўлдики, Ёдгор бу китобни ўқимаган...

– Убайдулложон, мен бир-икки ўртоқларим билан тушликка келаман. Сиз, албатта, шу ерга бўлинг. Маорифга ўзимиз олиб борамиз, – деб хайрлашиб кетди.

Ёдгор учта тенгқур ўртоқлари билан айтган вақтида келди. Уларни мен билан таништирдим. Бирга овқатландик. Улар ҳам дўконда ишлайдиган бойвачча болалар экан. Ҳаммалари ҳам ёқимтой йигитлар эди. Тушлиқдан сўнг Ёдгор мени маориф бўлимига олиб борди. Хужжатларимни топширдик. Эртаси кундан бошлаб ишга тушадиган бўлдим. Ётоқ ерим ҳам тайин бўлди. Юқларимни ётоқча жойлаштирдик. Район клуби қошидаги алоҳида хона экан.

Ахдлашувга кўра ишдан сўнг ҳаммамиз Ёдгорнинг уйда меҳмон бўлдик. Таомдан сўнг уларнинг хоҳишига кўра олиб борган “Ўткан кунлар”ни ўқишга киришдик. Китобдаги менга ёд бўлиб қолган жойларда жуда раван ва таъсирли қилиб ўқирдим. Улар эса худди жойларига миҳлангандек эдилар. Алламаҳалгача китобхонлик бўлди. Мен топиқдим. Танаффус қилдик. Уйнинг қозигида ғилофли дутор осигилиқ турарди.

– Дуторни ким чалади? – деб сўрадим.

– Ҳеч ким. Баъзан акам чаладилар, – деди Ёдгоржон.

– Олинг-чи! – дедим-да, дуторни ғилофдан чиқариб, созлай бошладим. Ҳамманинг кўзи менда.

– Чалишни биласизми? – сўради бирови.

– Нима чалиб берай?

Машқ қилиб бердим. Йигитлар хурсанд. Бириси ўрнидан дик этиб туриб, ўйинга тушиб кетди...

Шу кеча Ёдгоржонникида тунадик. Эрта билан нонуштадан сўнг мени маорифга олиб бориб қўйишди.

Тушда яна бирга овқатландик. Ишдан сўнг яна бириси уйига таклиф этди. Китоб ўқиш ўша ерда давом этди. Уларнинг менга меҳри шундай орткиди, мени ёнларидан силжитмай қўйдилар. Қисқаси, ҳар кунимиз ҳар ерда шундай самимий, дўстона китобхонлик билан ўтаверди. Ҳаммалари ҳам “Ўткан кунлар”ни биринчи маротаба эшитишлари эди. Китобдаги воқеалар уларга шундай таъсир этардики, жойи келганда ҳаммамизнинг кўзларимиз жикқа ёшга тўларди...

Ниҳоят, “Ўткан кунлар”ни ўқиб тугатдик. Ҳануз ёдимда: бир куни ўртоқларимнинг маслаҳатларига кўра, ҳаммамиз фойтун билан “Ўткан кунлар”ни сотиб олиш учун шаҳарга тушдик. Яхшиям “Лаби ҳовуз” яқинидаги китоб дўконида “Ўткан кунлар” бор экан. Улар ўртоқларига ҳам совға қилиш ниятида ҳар бирлари 2-3 тадан китобдан сотиб олишди.

Шундай қилиб, бир неча хондоннинг китоб жавонидан “Ўткан кунлар” жой олди. Ҳозир ҳам ушбу китоб уларнинг уйларида, энг азиз ва қимматли хазина бўлиб сақланаётганига имоним қопил”.

КЕЧИРДИ, КЕЧИРМАДИ...

Тошкент давлат маданият институтида ишлаб юрган йилларим эди. Устозим Бахтиёр Сайфуллаев (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) билан Жиззах шаҳрига ихидий сафарга боргандик. У кишининг енгил машинасини ҳайдаб кета туриб йўл ҳаракати қоидасини буздим, шекилли, ДАН ходими машинамизни тўхтатди. Мен дарров тушиб хужжатларимни у кишига бердим ва:

– Шаҳрингизда меҳмонмиз. Бу ерларга биринчи келишим. Билмасдан қондани бузиб қўйдим. Кечирасиз ўрток бошлиқ, – дедим. У киши эса хужжатларимни текшириб: – Нега фамилиянгиз бунақа? – деб сўради. Машинадан тушган устозим мени унга таништирдилар. Шунда ходим: – Ҳаммасини кечираман. Лекин Кумушнинг ўлдирилганини асло кечиролмайман, – деб хужжатларимни қайтариб берган эди.

Шеркон ҚОДИРИЙ



ҚАТАҒОН

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Шариф Юсупов – 1870 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Калинин райони прокуратураси котиби лавозимида ишлаган. Шариф Юсупов Чор ҳукумати даврида адвокат, Сўл эсерлар партиясининг собиқ аъзоси, 1919 йили Эски шаҳарда бўлиб ўтган Осипов кўзғолонида иштирок этган. “Шўрои Ислом” партиясининг фаол аъзоси бўлган. 1937 йил 28 майда диндорларнинг яширин йигинини ўтказганликда, динга қарши ҳукумат ва партиянинг тадбирларига қаршилиқ кўрсатганликда, 1937 йил 5 декабрдаги Олий Советга ўтказилган сарловани “ёлғон, алдов сарлов” деб айтганликда айбланган.

1938 йил 25 февралда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги “Училиғи” томонидан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Қамоқ жазосини Тошкент темир йўли Сирдарё бекатига яқин Малик совхози меҳнат лагерида ўтаган.

Оқилхон Дадаҳўжаев – 1896 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1905–1909 йиллари эски мактабда, 1909–1911 йиллари рус-тузем мактабида ўқиган. 1918 йили Тошкентда очилган 8 ойлик педагогика курсига ўқишга кирган. Ўзбек маориф институтида тахсил олган. Институти тамомлагандан сўнг Тошкентдаги 8-сонли интернатда, 15-сонли мактабда ҳамда 2-сонли интернатда ишлаган. Ҳибсга олингунга қадар Тошкент тиббиёт институтида ўзбек тилидан дарс берган. 1942 йили Ички ишлар халқ комиссарлиги “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзоларига нисбатан қайта иш очганда қаҳрамонимизга ҳам аксининқилобий тарғибот олиб борадиган айби қўйилиб, “Ватан хойни” деб эълон қилинган. Советларга қарши миллатчилик ташкилотига қатнашгани учун 8 йил меҳнат тўзатув лагерида ҳукм қилинган. Унинг кейинги тақдири аниқ эмас. Лекин Оқилхон Дадаҳўжаев 1957 йили 15 апрелда тўлиқ реабилитация қилинган.

Азизхон Ҳўжаев – 1905 йили Бухоро шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. ВКП(б) аъзоси бўлган. 1926 йили Берлин университети иқтисодий факультетини битирган. Рус, турк, форс-тожиқ, инглиз, немис тилларини мукамал билган. У Абдурауф Фитратнинг шогирди бўлган. 1926 йили Берлиндан қайтиб келгач, Боқуда 1 йил тахсил олади.

Тошкентдаги “Миллатчи аксининқилобчилар” – Шоҳид Эсон Мусаев, Исмоил Садрӣ, Мирза Амин Мухитдинов ва Афғонистон, Эрон ва Хитой консулликлари ходимлари билан доимий мулоқотда бўлган.

1932 йил 20 октябрда ОГПУ Азизхон Ҳўжаевни 5 йил муддатга концлагерга ҳукм қилган. У Беломор-Болтиқ меҳнат тўзатув лагерида 1933 йил 29 апрелда келтирилади. Кейинроқ, 1934 йил 14 майда ОГПУ – Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси томонидан Ҳибсга олинади ва Ички ишлар халқ комиссарлиги Ленинград бўлими “Училиғи”нинг 1937 йил 25 ноябрдаги 199-сонли баённомасига биноан олий жазо – ўлимга ҳукм қилинади.

Ҳукм 1937 йил 8 декабрда Лодейнопол лагер округида ижро этилган ва бу ҳақида далолатнома тузилган. Азизхон Ҳўжаев 1958 йил 16 апрелда реабилитация қилинган.

Абдулла Мусабеков – Қирғизистондаги Сумсар қишлоғида туғилган. Инқилобгача Қўқонда Мулла Қосим қозида ходим бўлиб хизмат қилган. Беш йил мадрасада тахсил олгач, маълум вақт ўқитувчи сифатида фаолият ҳам олиб борган. “Халқ газетаси”нинг тахририят аъзоси бўлган. Шунингдек, Қосонсой халқ судьяси вазифасида ҳам хизмат қилган. 1929 йил апрелидан Қўқон округи ер тузувчи бўлимида катта ер тузувчи бўлиб ишлаган. “Миллий иттиҳод” ва “Миллий истиқлол” ташкилотларининг аъзоси бўлганлиги архив хужжатларида қайд



12 АПРЕЛЬ – БУТУНЖАХОН АВИАЦИЯ ВА КОСМОНАВТИКА КУНИ

“САМОЛАРГА ТЕРМИЛТИРГАН ОРОМИЖОН...”

Валентина Горячева авиация курсанти Юрий Гагаринга турмушга чиққанида ҳали номи тарихда қолишини билмаган эди. Оддий рақс кечасида паст бўйли, озгин, тарошланган кирпич, шалпангқулоқ йигитга шерик бўлди-ю, ҳаёти буткул ўзгариб кетди. Келинг, бугун боши осмонга етса ҳам одамийлигини сақлаб қолган космонавт ва унинг қахрамон аёли ҳақида гаплашамиз.

МАХФИЙ ТОПШИРИҚ

Бир оқшом Юрий Москвага шошилинич жўнаб кетади. Сабабини айтолмасди, топ-

шириқ шундай бўлганди. У энг қийин синовлардан, тиббий комиссиядан ўтиб, 3000 дан ортиқ талабгорни енгди. Бир мuddат ўтгач, Валентина ҳам Москвага келди. Гарчи иккаласи бир уйда яшаса-да, деярли гаплашиш имкони йўқ эди. Гагарин эрта кетиб кеч қайтарди, топшириқлардан чарчаган эр аёлига эътибор беролмасди. Аммо Валентина уни тушунар, халақит бермасди, аксинча, қўллаб-қувватларди.

КОИНОТГА ПАРВОЗ

Гагарин доим қиз фарзандлари бўлишини орзу қиларди. Аёли унга икки қиз ҳада қилди. 1961 йил март ойида



уларнинг иккинчи фарзанди Галина туғилди. Шу кунларда Гагарин хотинини бағрига босаркан, ҳам буйруқ, ҳам илтимос оҳангида “Қизларни эҳтиёт қил, Валюша!” деди. Чунки у тарихий жараёнга тайёргарлик кўрарди.

...1961 йилнинг 12 апрелида Валентинанинг олдида қўшниси югуриб чиқди: “Валюша, радиони қўй! Юра космосда!”. Ёш онанинг хис-туйғуларини сўз билан ифодалаш қийин эди. Энди Валентина биринчи космонавтни аёли бўлиши мумкин эди ёки беваси...

ЯНГИ ҲАЁТ

Юрий Гагарин инсоният тарихида биринчи космонавт сифатида мисли кўрилмаган шон-шухрат билан Ерга қайтди. Энди уни бутун дунё танир, давлат раҳбарларидан тортиб оддий деҳқонгача дийдорига муштоқ эди. Гагариннинг ҳаёти доимий учрашувлар, зиёфатлар ва узоқ

муддатли хизмат сафарларидан иборат эди. Шундай обрў-эътиборга қарамай, у камтарлигини сақлаб қолди.

ГАГАРИН ВА ЖИНА

Гагарин коинотга учганидан уч ой ўтгач, Москвада халқаро кинофестиваль бўлиб ўтди. Унда энг гўзал итальян кино юлдузи Жина Лоллобриджида Гагаринни ёқтириб қолди. Кино актрисасининг ўзи шундай дейди:

“Сайёрамизнинг барча аёллари унинг табассуми ва ўткир нигоҳига ошиқ эди. Мен ҳам бундан мустасно эмасдим. Кечаси Москва бўйлаб сайр қилганимизда, Юра менга ўзининг фотосуратини берди. Унинг орқа томонидан шундай ёзилганди: “Мен осмонда қўллаб юлдузларни кўрдим. Лекин сенга ўхшаши йўқ улар орасида!”

Валентина ҳамманинг кўз ўнгиди Жинани ўпган Гагариндан қаттиқ аразлаганди. Аммо Гагарин аёлининг қў-

зига тик қараб шундай деди: “Жоним, ҳеч ким осмонга чиқишимдан олдин ҳам, кейин ҳам мени боримча қабул қилган Валюша бўлолмайди. Мен сўнгги нафасимгача сен биланман...”

Ва у ҳаётининг сўнгги дамига қадар ваъдасида турди.

СЎНГИ ПАРВОЗ ВА СЎНГИ ХАТ

1968 йил 27 мартда Гагариннинг самолёти ҳавога кўтарилди, лекин аэродромга қайтмади... Валентина эрининг ўлимидан кейин узоқ вақт ўзига келолмади. Маълум бўлишича, Юрий сўнгги парвозидан олдин аёлига шундай хат қолдирган:

“Агар менга бирор қор-қол бўлса, ўзингни қайғу билан ўлдирма. Ахир ҳаёт — ҳаёт, эртага мени машина босиб кетмаслигига ким қафолат беради? Илтимос, қизларимизга ғамхўрлик қил. Уларни оқбиллақ ойимчалар эмас, ҳа-

қиқий инсон қилиб тарбияла. Шахсий ҳаётингни эса ўзинг истагандай давом эттир. Мен сенга ҳеч қандай мажбурият юкламайман ва бунга ҳаққим ҳам йўқ”.

МУҲАББАТ ФАЗОГИРИ

Валентина Гагарина эридан кейин бир умр ёлғиз яшади. Юрийга бўлган муҳаббатига содиқ қолди. Менимча, биринчи космонавт аёл Терешкова эмас, балки Валентина Гагаринадир. Чунки Юрий ўн йиллик турмуши давомида уни муҳаббат фазосининг энг баланд нуқтасига олиб чиқа олганди. Айтишларича, Валентина доим осмонга интизор боқар экан. Эҳтимол, у ҳар бир юлдуздан Гагариннинг бир заррасини излаган. Гўё Гагарин ҳалок бўлмаган-у, миллион заррага бўлиниб, самога сочилиб кетган.

Отабек БАКИРОВ

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

МИЛЛИЙ ФОЖИАМИЗ

Бизнинг қишлоқда (маҳалламизда) бир йилда 50–70 та тўй бўлади. Битта тўйга камида 50 млн сўм маблағ сарфланади.

Арифметика: $50\,000\,000 \times 60 = 3\,000\,000\,000$ (3 млрд).

Қишлоғимизда ҳар йили 3 млрд сўм маблағ орзу-ҳавасга сарф бўлмоқда. Ўзбекистонда бизникига ўхшаган тахминан яна 10 мингта маҳалла бор.

Арифметика: $10\,000 \times 60 = 600\,000$.
 $600\,000 \times 50\,000\,000 = 30\,000\,000\,000\,000$ (30 трлн).

Бу тахминан 3 млрд доллар дегани. Катта шаҳарлардаги 25 000 долларлик торт, 90 000 долларлик тўй каби аҳмоқона дабдабаларни ҳам қўшиб, ўртача ҳисоблаганда, тахминан 10 млрд доллар бўлади.

Ўзбекистондаги оилалар бюджетидан ҳар йили тахминан 10 млрд доллар маблағ ҳавога совирилмоқда.

Бунча катта маблағни тасаввур қилиш учун қиёс келтираман: Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи французлар 500 млн долларга қуриб берган; ўз вақтида “Аср қурилиши” номини олган Тошғузор – Бойсу – Қумқўрғон темирйўл линияси қурилиши 220 млн долларга тушган.

Фожиамиз шундаки, бу ўта аҳмоқона иш эканлигига ҳаммамизнинг ақлимиз етади. Лекин шу ишни қила-



верамиз. Ушбу фикрларни ёзаётган муаллиф ҳам ўз вақтида эл қатори тўй қилган.

Тўйга сарфланган пулнинг бир кундан кейин қаерда бўлишини тасаввур қилайлик. Зора шунда, бу ишларимизни тўғри йўлга солармиз.

PIS: Битта оила тўй қилиши учун 3–5 йил йўл-нади. Ўша оилада 3 та фарзанд: икки ўғил ва бир қиз деб тасаввур қилинг. Демак, ўша оила 5 марта тўй қилади (икки ўғлига суннат ва келин тўй ҳамда қиз чиқариш). Арифметика: $4 \times 5 = 20$. Демак, типик ўзбек оиласидаги 20 йил умрини фақат тўй қилишга сарфлаб юбормоқда.

Умид ХЎЖАМҚУЛОВ
Фейсбук

ТИЛБИЛИМ

“ТАЛМОВСИРАШ”ДАГИ “ТАЛМОВ” НИМА?



Тилимизда довдираш, ўзини йўқотиб қўйиш, атайлаб ўзини шундай ҳолатга солиш талмовсираш сўзи билан ифодаланади. Кимдир ниманидир билиб туриб ўзини билмасликка солса ҳам талмовсирама, деймиз. Хўш, бу сўз ўзагидаги талмов сўзи қандай маънони англатган?

“Ат-тухфа” луғатида талмов сўзи масхаралаш мазмунига келади. Маҳмуд Кошғарийда айнан талмов сўзини учратмадим, лекин талу сўзи телба маъносидида изоҳланган. Дарҳақиқат, ўзини атайлаб тен-такка солаётган ёки билиб-билмасликка олаётган одам ҳолатида масхаралашга хос ишора бор.

Эшқобил ШУКУР

БИР САВОЛГА БИР ЖАВОБ

ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР:

КУЧ БЕРАДИМИ, ОЛАДИМИ?

Сўнгги пайтларда ғалати бир ҳолатнинг кўп гувоҳи бўляп-миз: аксар одамлар ўзини сал беҳол, бемажол сеза бошласа, энергетик ичимлик излаб қол-япти. Симири, гўёки куч олиб тетик-бардамлашади. Аслида ҳам шундайми? Мавзу юзасидан олий тоифали кардиолог Одина Маликовага юзландик.

— Бу ичимлик илк бор 1960 йили Японияда дори воситаси сифатида яратилган. Кейинчалик устумон тадбиркорлар маҳсулотни оммалаштириш, пул қилиш учун таркибига бир қанча кимёвий моддалар қўшиб ҳозирги таъмин ҳосил қилишган.

Тиббиёт энергетик ичимликларни соғлиқ учун хавфли ҳисоблайди. 2017 йили АҚШда 16 ёшли ўсмир ўлимига айнан кўп миқдорда истеъмол қилинган энергетик ичимлик сабаб бўлгани тўғрисида хабарлар оммада саросимани келтириб чиқарган. Энг ёмони, ёшлар ўртасида бу каби ўлимлар сони табиий равишда ортиб бормоқда.

Энергетик ичимликлар меъёрдан ортиқ ва сурункали истеъмол қилинса, юрак тез уриб, артериал қон босими ошиб кетиши ёки буйрак зўриқиши кузатилади. Шу билан бирга, бош мия, марказий асаб тизими, бўғимлар ва бошқа аъзоларга жиддий зиён етади. Қолаверса, кўриш қобилиятини ҳам сусайтиради. Руҳий касалликларга чалиниш хавфи ортади, одамларда тажовузкорлик кучаяди. Болаларнинг зеҳни ўтмаслашиб, дарсларни ўзлаштириши пасайиб кетиши, ногирон, ақли заиф фарзандлар туғилиши ҳам



билвосита нотўғри истеъмол тартиби асорати бўлмоқда. Ўрни келганда, айтиш жоиз, ҳомиладор аёллар ҳам ундан тийилмагани ортидан салбий оқибатлар келиб чиқмоқда. Ичимлик таркибидаги кофеин вақтинча тетиклик бағишлаб, чарчоқни аритса ҳам, маълум вақтдан сўнг (дейлик 1–1,5 соат ўтгач) организмда ҳорғинлик баттар кучаяди, бош оғриб, нафақат ақлий, жисмоний фаолият ҳам сусаяди.

Бундай ичимликлар организмга жуда қисқа муддатда зарар етказди. Таркибида ортофосфат кислотаси борлиги учун буни вақтида сезмаймиз. Масалан, 45 дақиқадан сўнг дофамин ишлаб чиқарилиши ортиб, ичимлик бош миёда роҳатланиш, қониқарли марказини кўзгатади. Бир ярим соатларда акс таъсир йўлига ўтиб, организмда лоҳаслик бошланади. Бу эса оғир оқибатларга уланиб кетиши мумкин.

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА
тайёрлади.

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИРЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИМИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:

Иқбол Мирзо

Масъул котиб:

Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:

Гулчеҳра Умарова

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров

Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 8 050
Лотин ёзувидаги адади – 12 617
Медиа кузатувчилиги – 41 255

Буюртма: Г – 439

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 19:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz